VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

43 (415) ● 2016 йил 12 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ҳозирда республикамиз ва хорижда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9 минг 376 сайлов участкаси тузилди

Янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ташкил этилади

Узун туманидаги Оқостона бобо мақбараси ансамбли ўзига хос тарихга эга объектлардан бири ҳисобланади

Муносабат

Тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл

Бугунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг, тараққиётимиз ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчига, миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурди. Мазкур соҳа, шунингдек, бозор ўзгаришларига мослашувчанлиги, янги ғояларни ҳаётга тез татбиқ эта олиши, иқтисодиётга инновацион технологияларни жорий қилишда қулайлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда уларга нафақат қонунчилик асосида мустаҳкамланган кафолатлар яратилмоқда, балки уларнинг ижроси доимий эътиборда.

Бугун мамлакатимизда мавжуд хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этаётир. Хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 56,7 фоизга етгани, иш билан банд аҳолининг қарийб 78 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилаётгани мазкур тармоқнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигидан яққол далолат беради.

Ана шундай кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида шу йил 5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди.

> 2-бет.

Конференция

ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари Конференциясида

ЎзМТДП V Съездига делегатлар сайланди

Шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг халқаро демократик тамойиллар асосида юқори савияда ўтишида сиёсий партияларнинг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади. Айни кунларда юртимиздаги барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ сайловга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Бу муҳим сиёсий жараёнга тайёргарлик кўриш ишлари Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ олиб борилмоқда.

ЎзМТДП Марказий кенгаши VII Пленумида белгиланган вазифа ва чора-тадбирларга асосан жойларда ҳудудий партия ташкилотларининг Конференциялари бўлиб ўтди. Партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари ҳамда ёшлар иштирокида ўтган Конференцияларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси V Съездига делегатлар сайланди.

> 3-бет.

Ушбу сонда:

Шарқ гавҳари

Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида улуғ бир ҳикмат бор. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир ғиштида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари мужассам



> 5-бет.

"Ўргимчак тўри"

аслида ҳам тузоқ эмасми?..

> 6-бет.

Миллий ғурур

Изланишнинг меваси — муваффақият

Бугун Ватан шаъни учун майдонга чиқиб, Ўзбекистоннинг юксак спорт салоҳиятини бутун дунёга тан олдираётган спортчиларимиз буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлишга қодир, ҳар томонлама етук ёшлар камолга етаётганини исботламоқда.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, таэквондо WTF бўйича Ўзбекистон чемпиони Дилфуза Холбўтаева ҳам ана шундай ёшлардан. Ўн икки ёшидан буён таэквандо WTF билан шуғулланиб келаётган спорт устаси мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

> 6-бет.

Фракция ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Парламент қуйи палатаси мажлисига қадар ушбу масалалар ЎзМТДП фракцияси йиғилишида ҳам муҳокама қилинди.

Муҳим ва долзарб қонун лойиҳалари

ЎзМТДП дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилинди

Тегишли вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида ўтган фракция йиғилишини ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Фракция аъзолари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратдилар.

— Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти муҳим ўрин тутади, — деди фракция раҳбари. — Мазкур йўналишда эришилган натижаларни янада мустаҳкамлаш ва янги босқичга кўтаришда ушбу фармон долзарб аҳамият касб этади.

> 4-бет.

Ташаббус натижа берди

Узуннинг қадимий обида ва зиёратгоҳлари

ЎзМТДП партия гуруҳи аъзолари ташаббуси билан ободонлаштирилади

Сурхондарё — жаҳон цивилизацияси тарихида муносиб ўринга эга воҳа, буюк алломалар, олимлар, мард, танти ҳамда меҳнаткаш халқи билан машҳур. Вилоят ҳудудидаги турли даврларга оид Ҳаким ат-Термизий, Хўжа Алоуддин Аттор валий, Ҳазрати Султон, Хўжаи Илғор, Шарра Мозор — 100 метр баландликдан тушадиган шаршара ёнида жойлашган — зиёратгоҳлари ҳамиша гавжум. Тошлар билан ишлов берилган Биби Сора она, Хўжаи Хубон каби қадамжолар, Оқостона бобо мақбараси воҳа тарихидан сўзлайди. Сурхоннинг ўзига хос халқ оғзаки ижоди, достончилик мактаби, урф-одат ва анъаналари, миллий халқ ўйинлари каби номоддий маданий мерос объектлари нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳ ва меҳмонларни ҳам ўзига мафтун этади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Узун туман кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ҳамкорликда туман ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунининг ижросини ўргандилар. Ҳудудда ўрта асрларда қурилган мақбаралар, қалъалар, тепаликлар, ёдгорликларни аниқлаш, уларнинг тарихини ўрганиш, мазкур маданий мерос объектларидан ота-боболаримиз қандай фойдалангани юзасидан таҳлиллар олиб борилди. Ўрганиш натижалари халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига ташаббус-масала сифатида киритилди.

> 4-бет.

Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг ёрқин намойиши

> 8-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
43 (415) 2016 йил 12 октябрь, чоршанба

Муносабат

Тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойили соҳа вакилларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Фармон билан бу тамойилни тўлиқ рўёбга чиқариш механизми янада мустаҳкамланди. Давлат органлари, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар бу тамойилнинг сўзсиз амалга оширилишига бевосита масъул этиб тайинланди. Тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ёки тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди. Айни пайтда давлат органи вакилининг ноқонуний хатти-ҳаракати оқибатида тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита унинг ўзидан ундирилишини таъминлаш мажбурияти юкланганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Фармоннинг энг муҳим жиҳатидан бири — 2017 йилдан бошлаб юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширишлардан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди. Энди жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларни ўтказишга ҳам йўл қўйилмайди. Булар, ўз навбатида, хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлиги кафолати сифатида хизмат қилади.

Фармонга мувофиқ тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастурида соҳага оид қонунчиликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобига эркин меҳнат фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ўз ифодасини топганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, дастурда солиққа тортиш ва божхона ишини такомиллаштириш орқали мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро рейтингини ошириш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар назарда тутилган.

Фармонда кўзда тутилган масалалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларга айнан ҳамоҳанг бўлиб, сайловчиларимиз, электоратимиз манфаатларини ҳимоялаш борасида зиммамизга олган масъулиятли вазифаларнинг амалда бажарилишига кенг йўл очади. Хусусан, мазкур фармон ЎзМТДПнинг кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самаралли қўллаб-қувватлаш, маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ҳудудлар бўйича айрим номутаносибликларга барҳам бериш, турли минтақаларимизда яшаётган одамларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзини тенглаштиришга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифалари ижросида муҳим аҳамиятга эга.

Мирзоҳид УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

* * *

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулк ва унинг дахлсизлигини таъминлаш устувор вазифага айланди. Ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий база янада такомиллаштирилмоқда. Буларнинг барчаси, пировардида, миллий иқтисодиётимизнинг изчил ва жадал ривожланишига хизмат қилаётир.

"Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш, бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат идораларининг масъулиятини янада оширади. Хусусан, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга қаратилган беш йўналиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишни назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу дастур доирасида соҳада коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида умумэътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунлар қабул қилиниши назарда тутилмоқда.

Фармонда белгиланган барча муҳим масалалар ЎзМТДП сайловолди Платформасида назарда тутилган мақсад-вазифаларга уйғун ва ҳамоҳангдир. Партия маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорлар фаолиятини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тарафдори. Ушбу фармон ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан партиямиз дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш ҳамда элеторатимиз вакиллари бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорлар, ўз маҳсулотлари бизнесини йўлга қўйган ҳунарманд ва касаначилар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Мадомики шундай экан, мазкур фармон мазмун-моҳиятини тадбиркорлар ва электоратимиз вакиллари орасида кенг тарғиб-ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу жараёнда, албатта, фракциямиз аъзолари фаол иштирок этади.

Фармонда белгиланган чора-тадбирлар миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлаш, унинг юқори суръатларда ўсиши ва жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Элдор ТУЛЯКОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг баҳосига кўра, Ўзбекистон бугунги кунда бизнес юритишни енгиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бўйича етакчи ўнта мамлакатдан биридир. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга иқтисодиётни барқарор юксалтиришнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Тадбиркорлик фаолияти ислоҳ этилиши натижасида янги иш ўринлари яратилаётир, аҳоли даромадлари изчил ошиб, маҳаллий бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда, экспорт салоҳияти юксалаётир. Бу, ўз навбатида, жаҳон миқёсида ҳамон давом этаётган молиявий инқирозга қарамай Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда халқимиз ҳаёти фаровонлиги таъминланишига хизмат қилмоқда.

Шу йилнинг 5 октябрида қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон иқтисодий ислоҳотлар ривожи, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини оширишга алоҳида этибор қаратилган. Соҳадаги ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида қаралиши ушбу фаолиятни юритаётган, айниқса, ўз бизнесини энди бошлаётган ишбилармонлар учун катта имконият яратади.

Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий ғовлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади. Фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширишга, шунингдек, коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка тарғиб этиш, айниқса, ҳудудий ҳамда маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Бунинг учун, энг аввало, фармонда назарда тутилган мақсад-вазифалар партиямиз электорати бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилишини эътиборга олишимиз, улар иштирокида мунтазам тарғибот тадбирлари ташкил этишимиз лозим. Бу, ўз навбатида, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган Ўзбекистоннинг жаҳондаги иқтисодий ва индустриал жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб бериш чора-тадбирларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифалари ижросида муҳим ўрин тутади.

Мансурбек МАДИЁРОВ, ЎзМТДП Норин туман кенгаши раиси

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайловчиларнинг юксак ҳуқуқий маданияти

сиёсий жараённи юқори савияда ўтказишга хизмат қилади

Ҳозирги кунда республикамиз ва хорижда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9376 сайлов участкаси тузилди. Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш ишларини бошлаб юборди.

Бу ҳақда 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов маълум қилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари таклифлари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур дастур фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун, сўнгги йилларда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи қарорларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш ишларини олиб боришни назарда тутади.

Тарғибот тадбирлари давра суҳбати, семинар, учрашув, бевосита мулоқот, конференция, тренинг шаклида, оммавий ахборот воситаларида босма, телевизион ва радио материаллар эълон қилиш, турли рисола, флаер ва бошқа тарғибот материалларини тайёрлаш орқали амалга оширилади. Дастурда назарда тутилган тадбирлар аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи маротаба овоз берувчи фуқаролар, нуронийлар, имконияти чекланган шахслар, ҳарбий хизматчилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари вакиллари, шунингдек, хориждаги ҳамюртларимизни қамраб олади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика байналмилал маданият маркази ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини янада ошириш мақсадида "Менинг овозим — Ватаним келажаги", "Шахсан ўзим овоз бераман", "Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз", "Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз", "Сайловчилар рўйхатида бормисиз?", "Ягона оилада" каби турли акцияларни ўтказишни режалаштирмоқда. Барча тадбир оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

Мажлисда 7-Самарқанд, 9-Сурхондарё, 11-Фарғона округ сайлов комиссиялари раисларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишларининг бориши ҳақидаги ахборотлари эшитилди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкалари тузилгани алоҳида қайд этилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Кўрилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Сайловчилар имзосини тўплаш

муваффақиятли якунланди

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Шу кунларда сиёсий партиялар томонидан сайловчилар имзосини тўплаш ишлари якунига етказилди. Буларнинг барчаси сайлов қонунчилиги, холислик ва демократик принциплар асосида, уюшқоқлик билан олиб борилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари фаоллари ҳам жойлардаги маҳаллалар, турли идора ва муассасаларда бўлиб, имзо тўплаш ишларини юқори савияда ташкил этди.

— Мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Қашқадарё вилоятида ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди **ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Сайфулла Махматмўминов.** — Партиямизнинг вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари имзо тўплаш жараёнини уюшқоқлик билан ташкил этди. Айниқса, Шаҳрисабз, Китоб, Қамаши ва Қарши туманларидаги партиямиз фаоллари имзо тўплаш ишларини изчил ва тезкор суръатда олиб бордилар. Ҳудудимизга тўғри келадиган 18 минг имзонинг ҳаммаси белгиланган вақтда тўпланди. Имзо варақаларини тўлдириш жараёнида, албатта, фуқароларга партиянинг дастурий мақсад-вазифалари, унинг айниқса, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни тиклаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Миллий қонунчилигимизга кўра, ҳар бир сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимиз жами сайловчилари умумий сонининг камида бир фоизи миқдорида имзо тўплаши шарт. Ушбу муҳим ишни ўз вақтида амалга оширишда партия Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар ташкилотларининг фаол иштирок этгани ҳудудда ЎзМТДП хайрихоҳлари сафи кўпаяётганлигидан далолат беради.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, журналист

Округ сайлов комиссиялари

муҳим сиёсий тадбирга қизғин тараддуд кўрмоқда

Сайловнинг умумэътироф этилган халқаро демократик стандартлар ва сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликка қатъий риоя қилинган ҳолда ўтишида округ сайлов комиссиялари фаолияти муҳим ўрин тутади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари халқимиз, жамоатчилигимиз ўртасида катта обрў ва эътиборга сазовор бўлган юртдошларимиздан иборат таркибда шакллантирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 56,6 фоизи илгариги сайловларни ташкил этишда ҳам қатнашгани сайловни юксак савияда ўтказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясида ҳам бу сиёсий жараёнга тайёргарлик ишлари изчил олиб борилмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан округ сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди. 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси таркиби раис, раис ўринбосари, котиб ҳамда 8 аъзодан иборат шаклда тузилди.

— Куни кеча 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди, — дейди комиссия раиси Фармон Тошев. — Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига амалдаги сайлов қонунчилиги ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган асосий тадбирлар дастурига қатъий риоя қилган ҳолда тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир масалаларни кўриб чиқдик.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга кўра, сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов участкалари сайловга камида олтмиш кун қолганида тузилиб, уларнинг рўйхати манзили кўрсатилган ҳолда эълон қилинади. 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси ҳудуддаги сайловчилар умумий сони 2 миллион 373 мингдан зиёдни ташкил этишини инобатга олиб, 1030 сайлов участкасини тузди. Сайлов участкалари жойлашган манзил, унинг маркази ва чегаралари ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинади.

Сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган демократик ислоҳотлар, хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олишга доир конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб, сиёсий фаоллиги янада ошган. Буни бугун фуқароларимизнинг сайлов жараёнларидаги иштироки мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Сайловчиларни сайлов кампаниясининг барча босқичи хусусида мунтазам хабардор қилиб бориш мақсадида марказий ва вилоят оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди округ сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Голиб Ҳасанов. — Округ сайлов комиссияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича вилоят матбуот маркази ташкил этилди. Матбуот марказининг асосий вазифаси — оммавий ахборот воситалари вакилларига сайлов кампанияси жараёнларига доир маълумотлардан фойдаланиши учун имконият яратишдан иборат. Журналистларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида амалга оширилган ишлар, галдаги вазифалар хусусида батафсил ахборот бериб борилмоқда. Бугунги кунгача 7-Самарқанд сайлов округидан сайловни ёритиш учун 80 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари ходимлари аккеридитациядан ўтказилди. Бу сайлов жараёнларини кенг, очиқ ва ошкора ёритиш имконини беради.

Аҳмад ЮСУПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Ҳуқуқ ва бурч

— Амалдаги қонунчилигимизда сайлов ҳуқуқининг қандай асосий принциплари белгиланган ва уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш бersangиз?

Дилдора ЭШОВА, Тошкент шаҳри, Сергели тумани

— Сайлов ҳуқуқи асосий принциплари дейилганда, сайлов жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган устувор қоидалар йиғиндиси тушунилади. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадилар.

Умумий сайлов ҳуқуқи сайловнинг умумийлиги, яъни сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча сайловчининг сайловда иштирок этиш ҳуқуқи таъминланишидир.

Тенг сайлов ҳуқуқи бир фуқаронинг фақат битта овозга эга эканлигини, сайлов кампанияси даврида Президентликка номзодлар учун ҳам тенг шароитлар таъминлашини ўз ичига олади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз фуқаролари томонидан бевосита сайланишини, сайловда сайловчиларнинг бевосита, воситасиз, вакилларсиз иштирок этиши, сайлов ҳуқуқини айнан ўзлари амалга оширишини англатади.

Яширин овоз бериш ҳуқуқи сайловда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида овоз беришнинг яширин бўлишини англатади. Бунда сайловчининг овоз бериши махсус, ёпиқ ва ажратилган, холи хоналар ёки овоз бериш кабиналарида амалга оширилиб, сайловчининг сайлов бюллетенини тўлдириши мутлақо яширин ҳолда кечади.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида белгиланган ушбу асосий ва бошқа бир қатор қўшимча принциплар сайловларнинг демократик тарзда ўтиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Акмал РАҲМОНОВ, юридик фанлари номзоди, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Конференция

ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари Конференциясида

ЎзМТДП V Съездига делегатлар сайланди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

* * *

Тошкент шаҳри. — Партиямиз аъзолари пойтахтимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этмоқда, — деди ЎзМТДП Тошкент шаҳар ташкилоти Конференциясида партия шаҳар кенгаши раиси Рустам Қосимов. — Бўлажак сайлов ва унга тайёргарлик даврида партия ғояларини сайловчилар орасида кенг тарғиб этиш, бу борада сайлов қонунчилигида белгиланган имкониятлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётир.

Конференцияда таъкидланганидек, сайловда илк бор иштирок этаётган ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, уларга бу муҳим тадбирнинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш, уларни эл-юрт тақдирига дахлдорлик руҳида тарбиялаш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий талаблар асосида билим олиши, истеъдоди ва салоҳиятини намоён этиши, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилган. Модомики шундай экан, сайловга тайёргарлик кўриш жараёнига ёшларни кенг жалб этиш, уларда ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш муҳим вазифалар сирасига киради.

Конференцияда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг V Съездига 6 нафар делегат сайланди.

* * *

Бухоро. Шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиш ва ЎзМТДПнинг навбатдаги Съездига делегатлар сайлаш масаласи партия Бухоро вилоят ташкилоти Конференциясида ҳам кенг муҳокама қилинди.

— Биринчи Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган демократик ислоҳотлар самарасида халқаро талабларга тўла жавоб берадиган мустаҳкам сайлов тизими яратилди, — деди партия вилоят кенгаши раиси Саиджон Ҳамроев. — Бу бўлажак сайловнинг тенглик, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида юксак савияда ўтишига хизмат қилади.

— Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён арафасида турибди, — деди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, Конференция делегати Мадамин Арслонов. — Ўзбекистоннинг янада тараққий этиши, халқнинг турмуш даражаси ва мамлакатнинг халқаро мавқеини юксалтириш, тинчлик ва осойишталигимиз бардавомлигида мазкур сайлов муҳим аҳамиятга эга. Сайловда партиямизнинг иштирок этиши, энг аввало, унинг сиёсий майдондаги мавқеини ҳамда жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боис, партия фаоллари сайловда муносиб иштирок этиш, сайлов кампанияси давридан мақсадли ва самарали фойдаланиш, партия дастурий мақсад-вазифаларини кенг тарғиб қилиш, ушбу сиёсий жараёнга масъулият билан ёндашиб, пухта ҳозирлик кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Конференция кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди, партия Бухоро вилоят ташкилотидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг V Съездига 6 нафар делегат сайланди.

* * *

Жиззах. ЎзМТДП Жиззах вилояти ташкилотининг ҳам Конференцияси бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП V Съездига делегатлар сайлаш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни ҳамда партия ҳаётига оид бошқа масалалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мазкур муҳим сиёсий тадбирнинг юқори савияда, демократик тамойиллар асосида ўтишида сиёсий партиялар фаоллиги ўта муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизим босқичма-босқич модернизация қилиниши самарасида юксак демократик талабларга мос миллий сайлов тизими яратилди. Фуқароларнинг шу аснода давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи тўлиқ таъминланмоқда. Бунда Конституциямиз ва қонунларда умумэътироф этилган меъёр ва тамойиллар асосида шакллантирилган сайловларни ўтказишнинг демократик принциплари мустаҳкамлаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Конференцияда партия дастурий мақсад ва ғояларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олдинда турган вазифалар ҳам белгилаб олинди, — дейди партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девон раҳбари Алишер Орипов. — Бунинг самарали амалга оширилиши эса Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ҳар томонлама юксак савияда ўтишида муҳим омиллардан бири саналади. Партиямиз бу борада сайлов қонунчилигида белгиланган барча имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёнида сайлов қонунчилигининг асосий тамойил ҳамда талабларига риоя қилинаётгани таъкидланди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинда ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг V Съездига делегатлар сайланди.

* * *

Қашқадарё. ЎзМТДП Қашқадарё вилоят ташкилоти Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ҳамда партиянинг навбатдаги Съездига делегатлар сайлаш масалалари муҳокама қилинди. Унда

партия вилоят кенгаши аъзолари, партия туман ва шаҳар ташкилотларидан сайланган делегатлар, партия фаоллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Сайлов — демократиянинг муҳим белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шаклидир, — деди ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Сайфулла Махматмўминов. — Истиқлол йилларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаси эркинлаштирилиши ва модернизация қилиниши натижасида умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос, замонавий сайлов тизими яратилди. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини, ҳар бир инсоннинг давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган самарали меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди. Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳам миллий сайлов қонунчилигимиз асосида, юқори савияда тайёргарлик кўрилмоқда. Бу муҳим сиёсий жараёнда партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари фаол иштирок этиши лозим. Чунки мамлакатимизнинг янада тараққий топиши ва келажаги мазкур сайловда сайловчиларнинг қабул қиладиган қарорига боғлиқ.

Конференцияда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг V Съездига партия вилоят ташкилотидан 7 нафар делегат сайланди.

* * *

Навоий. ЎзМТДП Навоий вилоят ташкилотининг Конференциясида партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Анора Бобомуродова, партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Илҳом Ражабов ва бошқалар мамлакатимизда ўтказилаётган сайловларда сиёсий партияларнинг фаоллиги йилдан-йилга ортиб бораётганини таъкидлади. Бу юртимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида сиёсий партиялар фаолияти ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилаётгани билан ҳам боғлиқ. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга киритилган кейинги ўзгартишга кўра, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига рухсат берилган сиёсий партия ўз номзодини қўллаб-қувватлаш учун республика бўйича жами сайловчилар умумий сонининг камида бир фоизини ташкил этадиган сайловчилар имзосини тўплаши лозим. Шу пайтга қадар бу миқдор беш фоиз эди. Бундан ташқари, сайловолди ташвиқоти шакллари ҳам аниқ белгилаб берилди.

Конференцияда партия вилоят ташкилоти фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилиб, кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг V Съездига делегатлар сайланди.

* * *

Сурхондарё. ЎзМТДП Сурхондарё вилоят ташкилотининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта тайёргарлик кўриш, кенг жамоатчилик, электоратимиз вакилларига мазкур сиёсий кампаниянинг аҳамиятини тушунтириш бўйича олиб борилаётган ишлар миқёсини янада кенгайтириш, сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, ЎзМТДПнинг V Съездига делегатлар сайлаш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Конференцияни ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Баҳодир Худойқулов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда сиёсий партияларга яратилган имкониятлар ва тенг шароитлар ушбу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, электоратимиз манфаатларини ифодалашда муҳим аҳамият касб этаётир. Бу борада амалга оширилаётган ишлар сиёсий партияларнинг жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлаб, ислоҳотлардаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айни пайтда вилоятда фаолият юритаётган 462 бошланғич партия ташкилотимиз ўз сафига 16 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган. Жойлардаги фаолларимиз бўлажак сайловда бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, партия ғояларини кенг тарғиб этиш ва сафларимизни сиёсий етук аъзолар билан кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Конференцияда таъкидланганидек, партиямизнинг мазкур сайловда муносиб иштирок этиши унинг қуйи ташкилотларидан, ёшлардан юксак масъулият талаб этади. Зеро, мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, ҳунар эгаллаши, иқтидорини намоён этиши ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол қатнашиши учун барча шароит яратилган. Шунингдек, янги таҳрирда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун келажак эгалари учун янги имкониятлар эшигини очди. Шундай экан, сайловга тайёргарлик кўриш жараёнларига ёшларни кенг жалб этиш, уларга мамлакатимизда навқирон авлод вакилларига яратилаётган қулайликлар тўғрисида кенг маълумотлар бериш лозим.

Конференцияда ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши аъзолари ҳамда Назорат тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди, партиянинг навбатдаги Съездига делегатлар сайланди.

* * *

Тошкент вилояти. ЎзМТДП Тошкент вилоят ташкилотининг Конференцияси бўлиб ўтди. Унда маҳаллий партия ташкилотлари Конференциясида сайланган делегатлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Вилоятда партиянинг 364 бошланғич ташкилоти самарали фаолият кўрсатмоқда, — деди Конференцияда партия вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Уларнинг таркибига бирлашган 14 мингга яқин партия аъзолари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этмоқда. Айниқса, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатларимиз партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, айрим ҳудудий муаммоларни бартараф этиш бўйича сессияларга аниқ таклиф ва амалий ташаббуслар билан чиқмоқда.

Партиямиз ғоялари мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказишда маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотларининг ўрни беқиёс. Чунки улар бевосита аҳоли орасида фаолият олиб боради. Бу эса сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида туман, шаҳар партия ташкилотлари, айниқса, қуйи бўғинлар фаолларидан катта масъулият ва фидойиликни талаб этади. Сайловчилар партиямиз дастурий мақсадларидан қанчалик кенг хабардор бўлса, шунча кўп ишонч билдирилади.

Конференция кун тартибидаги масалалар юзасидан делегатлар Марҳабо Қурбонова ва Насиба Қорабоева ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Конференцияда таъкидланганидек, партия ўз мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, унинг электорати бўлган ижодкор зиёлилар, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати намоёндалари, маданият, санъат ва ахборот соҳаси ходимлари, Ватан туйғуси билан яшаётган ёшлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, аъзолар сонини кўпайтириш, уларни партия томонидан ўтказилаётган лойиҳаларга фаол жалб этиш борасида самарали ишларни олиб бормоқда.

Конференцияда кўрилган барча масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг V Съездига делегатлар сайланди.

* * *

Фарғона. — Жорий йилнинг 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини халқаро демократик талаблар ва кўппартиявийлик асосида ўтказиш учун мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган, — деди ЎзМТДП Фарғона вилоят ташкилоти Конференциясида партия вилоят кенгаши раиси Умид Жабборов. — Сайлов кампанияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган асосий тадбирлар дастурига мувофиқ давом этмоқда. Партиямизнинг мазкур сайловда муносиб иштирок этиши унинг қуйи ташкилотларидан юксак масъулият талаб этади.

Конференцияда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён бўлиб, ҳудудда истиқомат қилаётган фуқароларда эртанги кунимизга дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, аҳолининг сиёсий билим ва савиясини ошириш, фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, партия сафини сиёсий етук, ташаббускор, ғояларимиз рўёбига ишонган фуқаролар ҳисобига янада кенгайтириш имкониятини беради.

Конференцияда партиянинг туман ва шаҳар кенгашларида ўтказилган кенгайтирилган йиғилиш якунлари таҳлил қилинди. Электорат манфаатларидан келиб чиқиб, сайлов жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, сайловда илк бор иштирок этадиган ёшлар ўртасида сайлов қонунчилиги юзасидан тарғибот тадбирлари олиб бориш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Конференцияда партиянинг V Съездига делегатлар сайланди.

Ўралой ТУРДИЕВА,
Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Хроника

Миллий қадриятлар — маънавият пойдевори

Самарқанд

Аждодларимиздан мерос миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналаримизнинг асл моҳиятини жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, уларни ватанпарвар, мард ва жасур ҳамда она Ватанга, истиқлол ғоясига садоқат руҳида камол топишига хизмат қиладиган маънавий-маърифий тадбирлар таъсирчанлигини янада ошириш зарур.

ЎзМТДП Нарпай туман кенгаши ташкил этган "Миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларимизни тарғиб қилишда ОАВнинг ўрни ва роли" мавзусидаги давра суҳбатида ана шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда ЎзМТДП Нарпай туман кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти" фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларимизнинг мазмун-моҳиятини теран англаган, тарғиб қиладиган, ундан фахрлана оладиган киши чинакам ватанпарвар ва фидойи инсондир, — деди партия туман кенгаши раиси Пўлат Эргашев. — Бунда оммавий ахборот воситалари, хусусан партиямиз нашри — "Миллий тикланиш" газетасида чоп этилаётган ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, воқеликка мустақил нуқтаи назарини шакллантиришга хизмат қилувчи материалларнинг ўрни беқиёс.

Давра суҳбатида партиянинг бош мақсади — миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, миллий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқининг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва кўпайтиришдан иборат эканлиги, бу борада, айниқса, оммавий ахборот воситалари самарали фойдаланиш сифатида хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Бухоро

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши "Миллий тикланиш" газетаси кунлари лойиҳаси доирасида "Партия ғояларини тарғиб қилишда "Миллий тикланиш" газетасининг ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда партия вилоят, туман ва шаҳар кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда ёшлар қатнашди.

— ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини кенг тарғиб қилиш, унинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари фаолиятини мунтазам ёритишда "Миллий тикланиш" газетаси муҳим ўрин тутади, — деди партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девон раҳбари Беҳзод Жўраев. — Газета воситасида аждодларимиздан мерос бой ва бетакрор миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ҳунармандлар фаолияти, маданият янгиликлари, мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалар билан доимий танишиш имконига эга бўляпмиз. Шунингдек, парламент, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти мунтазам ёритилмоқда. Партиянинг барча даражадаги ташкилотлари партия нашридан очиқ минбар сифатида фойдаланиш имкониятига эга.

Тадбирда "Миллий тикланиш" ижтимоий-сиёсий газетасининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, эълон қилинаётган материаллар хилма-хиллиги ва мазмундорлигини янада ошириш, газетхонлар ва обуначилар сонини кўпайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Жиззах

— Мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, болаларнинг маънавий, руҳий дунёси ва савиясини юксалтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди партия Жиззах туман кенгаши раиси Ўрол Сатторов Соғлом она ва бола йилига бағишлаб, "Ёш оилаларга ғамхўрлик — келажакка эътибор" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида. — ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ўтказаётган тарғибот тадбирлари "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросига қаратилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Опа-сингилларимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш йўналишларида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, тиббиёт бирлашмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизнинг энг олис, чекка ҳудудларида ҳам замонавий тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари хотин-қизлар, айниқса, ҳомиладор аёллар саломатлигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Партия сайловолди Платформасида аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Партия ташкилотининг бу каби тарғибот тадбирлари дастурий вазифаларимиз ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Усмон РУСТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
43 (415) 2016 йил 12 октябрь, чоршанба

Фракция ҳаёти

Муҳим ва долзарб қонун лойиҳалари

ЎзМТДП дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилинди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Фармонда кўзда тутилган вазифалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ва унинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароит ва имтиёзлар яратишга кўмаклашиш вазифалари белгиланган. Ушбу дастурий мақсад-вазифаларимиз ижросида мазкур фармон муҳим аҳамиятга эга. Бу эса партиямиз фаоллари ҳамда депутатлик бирлашмаларидан ушбу фармон мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, айниқса, партия электорати бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорларга етказишда фаол иштирок этишни талаб этади.

Шундан сўнг фракция аъзолари "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

— Мамлакатимизда ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг комплекс тизими яратилган, — деди **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодиржон Мухторов.** — Шунингдек, бугун аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёни қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси эса ушбу соҳадаги муносабатларни янада мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Қонун лойиҳасида ижтимоий хизматлар кўрсатиш мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш механизмларининг белгиланганлиги ижтимоий ҳимоя тизимининг жамоат назорати учун очиқ бўлишига имкон беради. Унинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига кўмаклашади, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширади. Қонун лойиҳасида назарда тутилган идоралараро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик мамлакатимизда ижтимоий хизматлар кўрсатувчиларнинг тўлиқ рўйхатини тузиш учун ҳуқуқий асос яратади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда. Ижтимоий хизматларни кўрсатиш борасидаги умумий талаблар ва асосий йўналишларни аниқлаш, ушбу йўналишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёни устидан мониторинг ва назорат қилишни кучайтириш юзасидан изчил фаолият олиб борилаётир. Натижада, ёши улуғ инсонлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида

унинг мазмун-моҳияти ЎзМТДП сайловолди Платформасида ижтимоий соҳага оид белгиланган мақсад-вазифалар билан ҳамоҳанг ва уйғун эканини таъкидладилар. Жумладан, партиямиз кексаларга ҳурматда бўлиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш каби оилавий анъаналарни жамиятдаги маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи, деб ҳисоблайди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши партия дастурий мақсадлари ижросига хизмат қилади.

Шунингдек, фракция аъзолари "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар. 1992 йилда қабул қилинган "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун касаба уюшмалари фаолиятини янада ривожлантиришга, ходимларнинг меҳнатга доир, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъсирчан ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашганлиги таъкидланди.

Мазкур қонун лойиҳасида "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган айрим қоидалари чиқарилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқликларнинг олдини олиш ва меҳнат соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида қонуннинг тегишли меъёрлари Меҳнат кодекси қоидаларига мувофиқлаштирилмоқда. Таклиф этилаётган ўзгартишлар касаба уюшмаларининг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги эркинлиги кафолати бўлиб хизмат қилади, касаба уюшмаларининг янада ривожланиши учун зарур ҳуқуқий базани яратиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлаш имконини беради.

Фракция аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

— Мазкур қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти жиноятчилик ҳолати, ундаги ўзгаришлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда фирибгарлик ва транспорт воситасини олиб қочганлик учун жиноий жавобгарликни янада такомиллаштиришга қаратилган, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Даврон Орипов. — Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришга, жазоларнинг адолатлилиги принципини таъминлашга, шунингдек, мазкур соҳаларда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Бу эса, ўз навбатида, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш ва жиноий қонунчиликни либераллаштиришга доир вазифалар ижросида муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, фракция аъзолари муҳокама қилинган масалалар юзасидан партия дастурий мақсад-вазифалари ва партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда барча масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ташаббус натижа берди

Узуннинг қадимий обида ва зиёратгоҳлари

ЎзМТДП партия гуруҳи аъзолари ташаббуси билан ободонлаштирилади

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Туманимиз ҳудудидаги VII-VIII асрларга оид Авғонтепа ёдгорлиги, Новвойтепа, Наванактепа, Хумдонтепа, Номсизтепа қалъаси қолдиқлари, Оқостона бобо мақбараси ансамбли ўзига хос тарихга эга объектлардан ҳисобланади, — дейди халқ депутатлари Узун туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Назокат Исматова. — Партия гуруҳимиз ва партия туман ташкилоти билан бу тарихий масканларда ўрганиш ишларини олиб бориш давомида уларнинг тарихига оид кўплаб янги маълумотлар

тўпладик, айни пайтда амалга оширилиши лозим ишлар хусусида таклиф-хулосалар ишлаб чиқдик.

Дарҳақиқат, партия гуруҳи аъзолари томонидан сессияга қадар тумандаги моддий ва номоддий маданий мерос объектлари изчил ўрганилиб, уларнинг тарихига оид маълумотлар мутахассислар иштирокида таҳлил қилинди.

— Истиқлол йилларида бой тарихий, маданий мерос объектларимизни асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш ва қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди ЎзМТДП Узун туман кенгаши раиси Шерзод Мавлонов. — Бу борада "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ва бошқа шу каби қонунлар ҳамда соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этаётир. Партия гуруҳимизнинг ушбу ташаббуси тумандаги маданий мерос объектларини ўрганиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида мазкур объектларни янада обод масканга айлантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларда алоҳида ўрин тутади. Бизгача яхши сақланиб келинган Оқостона бобо мақбараси ансамбли атрофи, кириш жойлари ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. Ушбу зиёратгоҳга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш, ён-атрофини ободонлаштириш лозим. Мақбарани талаб даражасида таъмирлаш, кўркамлаштириш, унинг атрофида хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш бу масканга ташриф буюрувчи меҳмон ва сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш ва қулайлик яратишга хизмат қилади. Оқостона бобо мақбарасини туризм маршрутига киритиш, унинг этнографик фото расмларини, реклама баннерларини, йўналиш манзилларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Партия гуруҳи сессияда ана шундай долзарб таклифларни илгари сургани

Узун тумани ҳудудидаги VII–VIII асрларга оид Авғонтепа ёдгорлиги, Новвойтепа, Наванактепа, Хумдонтепа, Номсизтепа қалъаси қолдиқлари, Оқостона бобо мақбараси ансамбли ўзига хос тарихга эга объектлардан ҳисобланади

ЎзМТДПнинг маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бус-бутун ҳолича етказиш, уларнинг тарихини теран ўрганиш каби дастурий вазифалари ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Сессия иштирокчиларининг қизғин баҳс-мунозаралари ҳамда таклиф- мулоҳазаларига сабаб бўлган ушбу масала юзасидан қарор қабул қилинди. Унда "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун талаблари асосида тумандаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тўлақонли ташкил этиш бўйича тегишли ташкилот ва мутасаддилар зиммасига аниқ ва мақсадли вазифалар юкланди. Жумладан, туман маданият ва спорт ишлари бўлимига ҳудуддаги маданий мерос объектлари, музейлар, маданият муассасалари, кутубхоналарнинг яхши сақланиши ва улардан самарали фойдаланиш ишларини йўлга қўйиш, мазкур объектлар атрофини ободонлаштириш, кўркамлаштириш ва бошқа зарур чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. "Олтин мерос" жамоат фонди туман бўлимига Оқостона бобо зиёратгоҳи ҳудуди яқинида туризм аҳамиятидан келиб чиқиб, замонавий хизмат кўрсатиш объектларини қуриш, мазкур мақбара бўйича этнографик фотолар, рекламали баннерлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Сессия қарорида тумандаги моддий ва номоддий маданий мерос объектларини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш бўйича ҳам муайян вазифалар ўз аксини топди. Бу борада "Боботоғ тонги" туман газетаси таҳририяти маданий мерос объектлари, уларнинг тарихи, бугунги кундаги ҳолати тўғрисида мунтазам равишда мақолалар бериб бориши лозимлиги белгиланди.

Сессия қарорида акс этган вазифалар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган тарихий ёдгорликлар, маданий мерос объектларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш, уларнинг тарихи ва аҳамиятини ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ушбу масканларга ёшларнинг ташрифини уюштиришга кўмаклашиш каби дастурий мақсад-вазифалар ижросига хизмат қилади.

Сессия қарори билан тумандаги маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва таъмирлаш бўйича тегишли мутасаддилар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди

Муҳтарама РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қонунга шарҳ

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари

янада такомиллаштирилди

Истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳасини ислоҳ этиш, мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиши, саноатни модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш, тадбиркорликнинг ривожланиши, янги корхона ва заводларнинг бунёд қилиниши уларда меҳнат қилаётган фуқаролар муҳофазасига бўлган муносабат ва қарашларни ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда.

1993 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунини бугунги бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига, жамиятда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, меҳнат қонунчилиги ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш талабларига мослаштириш бугунги қуннинг долзарб вазифасига айланди. Шу йилнинг 23 сентябрида матбуотда эълон қилинган ва декабрь ойидан кучга кирадиган янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунни ана шундай талаб ва эҳтиёжнинг маҳсули сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур қонун мамлакатимизда миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилиши ҳисобга олинган ҳолда, халқаро қонун нормаларига мувофиқ қайта ишлаб чиқилди. Хусусан, уни тайёрлаш жараёнида қатор вазирлик ва идораларнинг, йирик саноат корхоналари, соҳа экспертлари, олимлар, кенг жамоатчиликнинг таклифлари ҳамда халқаро тажрибалар инобатга олинди. Бунда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари инобатга олиниб, 20 дан зиёд давлатнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилиги ва тажрибаси ўрганилди.

Янги таҳрирдаги қонунда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, давлат органлари фаолиятини аниқ мувофиқлаштириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза этиш соҳасидаги ваколатлари батафсил очиб берилган. Унда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солиш борасида давлат органларининг ваколатларини аниқ белгилаш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ манфаатларини ҳимоя қилиш, иш жойларида етарли шароитлар яратиш, иш ўринларининг аттестациясини ўтказиш, меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни бузганлик учун иш берувчи ва ходимларнинг жавобгарлигини кучайтириш каби масалалар ўз аксини топди.

Мазкур қонунга мувофиқ ташкилотларда энди меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ташкил этилади. Бундай хизмат ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда жорий этилади. Бундан кўзланган мақсад — меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборат. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий қилинади.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун меҳнатни муҳофаза қилишни мамлакат, тармоқ ва ҳудудлар даражасида тўғри ташкил этилишини таъминлайди. Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажаришда ҳам иш берувчи, ҳам ходимнинг масъулиятини оширади, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олишга хизмат қилади. Бу айниқса, ходимлар, жумладан, вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Қонунда белгиланган меъёрлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида кўзда тутилган мақсад-вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг экани билан ҳам аҳамиятлидир. Зеро, партия аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга кўмаклашишни ижтимоий соҳадаги бош мақсади, деб билади. Мазкур қонун айни шу маънода электоратимиз вакиллари, умуман, ҳар бир ишчи-ходимнинг хавфсиз, эмин-эркин, хотиржам, иш жойида етарли шароитларда фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Назир СОБИРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Суҳбат

Мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон аграр ўлкадан саноати ривожланган мамлакатга айланди. Тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида амалга оширилаётган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич ривожлантириш, диверсификациялаш, жаҳон майдонида миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини юксалтиришга қаратилган ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар

ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида юксак натижаларга эришилаётир

Айниқса, саноат соҳасини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, йирик лойиҳалар амалиётга татбиқ этилаётгани иқтисодий тараққиётга эришишда саноатнинг улушини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир. **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат ПАРДАЕВ** билан мамлакатимиз саноати ривожи, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, олиб борилаётган тинчликпарвар сиёсат натижасида Ўзбекистон иқтисодий барқарор, тез ривожланаётган давлатга айланди, — дейди А.Пардаев. — Айниқса, барча йўналишда иқтисодий мустақилликка эришиш, ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарини кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг собиқ тузум даврида суст ривожланган ва деформацияланган иқтисодиёти олдида турган мураккаб вазифаларни амалга ошириш борасида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов 1989 йилдаёқ ўз фикрларини шундай баён этган эди: "Бу ўринда асосий вазифа — ишлаб чиқарилаётган ва қазиб олинаётган хом ашёни комплекс қайта ишлашда, айтиш мумкинки, чиқиндисиз қайта ишлашда, республиканинг ўзида уни тайёр маҳсулотга айлантиришдадир. Бошқача айтганда, республикада замонавий техника ва технология билан жиҳозланган қудратли қайта ишлаш саноатини бунёд этиш ва шундай қилиб, узлуксиз ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, республика миллий даромадининг юқори суръатларда ўсишига эришиш ҳамда ҳар жиҳатдан уйғун ривожланган республикалар даражасига етиб олишдир".

Таъкидлаш жоиз, ушбу йўналишда, аввало, саноат, қурилиш ва савдо соҳаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди: чорак асрда мазкур соҳаларга оид 30 га яқин қонун ҳамда 200 дан ортиқ қонуности ҳужжати қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар саноат, савдо, транспорт ва қурилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солди ва уларнинг ривожланишига асос бўлди.

Тарихан қисқа муддат ичида мамлакатнинг экспорт географияси кенгайди, пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди. Мамлакатимизда автомобилсозлик каби янги юқори технологик тармоқлар вужудга келди, нефть-газ-кимё, электротехника, нефть-газ машинасозлиги, темир йўл машинасозлиги, замонавий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тўқимачилик, қурилиш материаллари ва фармацевтика саноати кенгайди. Саноат соҳасини ривожлантириш, йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш натижасида 1990-2015 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4 мартадан кўпроқ, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 17,6 фоиздан 33,5 фоизга ўсди. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан саноатни изчил ривожлантириш, иқтисодиётда унинг асосий тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилган беқиёс ишлар ана шундай юксак самаралар берди.

— Албатта, қисқа муддат давомида аграр ўлкадан саноати ривожланган мамлакатга айланиш жуда катта натижа. Бунда йирик саноат объектлари, махсус индустриал зоналар фаолияти алоҳида ўрин тутади, шундай эмасми?

— Тўғри, мамлакатимизда энг замонавий, йирик ва ноёб саноат объектлари барпо этилгани ана шундай улкан натижаларга эришишда муҳим омил бўлаётир. Сурғил кони негизидаги қиймати 4 миллиард доллардан зиёд Устюрт газ-кимё мажмуаси, "Женерал моторс" компанияси билан ҳамкорликда автомобиль двигателлари, "МАН" компанияси иштирокида Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқарадиган янги комплекс ташкил этилганини қайд этиш жоиз. Шунингдек, Японияннинг "Исузу" компанияси билан бирга автобуслар, Хоразмда "Дамас" ва "Орландо" енгил автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Темир йўл магистраллари электрлаштирилди, юқори тезликда ҳаракат қиладиган "Тальго-250" йўловчи поездлари харид қилиниб, Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Қарши йўналишлари бўйича ҳаракати йўлга қўйилди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида эса Ангрен — Поп йўналишидаги янги темир йўл линияси ишга туширилди, Тошкент — Бухоро йўналишида "Афросиёб" тезюрар поезди йўлга қўйилди.

1996 йилда қабул қилинган "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мамлакатимизда "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарини, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароит ва кенг имкониятлар яратишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Унинг қатнашчилари бир неча турдаги солиқ ҳамда божхона тўловларидан озод этилганини халқаро экспертлар юксак баҳоламоқда. Бу, ўз навбатида, юртимизга дунёдаги энг нуфузли ишлаб-чиқарувчиларни жалб қиляпти. Ушбу ҳудудларда янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилиб, маҳсулотлар тури ва иш ўринлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон сингари давлатлар билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилиб, автомобиллар учун зарур бутловчи буюмлар ҳамда эҳтиёт қисмлар, телевизор тюнерлари-ю модемлар, мобиль телефон, смартфонлар, планшет ва ноутбуклар, ёруғлик диодли лампалар, юқори кучланишга эга чидамли кабеллар сингари маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 23 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа шу каби йирик саноат объектлари ва лойиҳалари мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириб, ялпи ички маҳсулотда саноат улушини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бу борадаги ишларни изчил давом эттиришимиз, Президентимиз Ислом Каримов белгилаб берган 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш, саноатни жадал ривожлантириш ва ЯИМдаги улушини 2015 йилдаги 33,5 фоиздан 40 фоизга етказишга доир режани бажаришимиз лозим.

— Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш иқтисодий тараққиётни мустаҳкамлашда муҳим омилдир. Шу маънода экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масаласи доимий эътиборда. Қолаверса, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган...

— Ҳақиқатан ҳам иқтисодий мустақилликка эришиш ва барқарор ривожланишда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш долзарб аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш ва саноат соҳасидаги изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон бугун жаҳон бозорига кийим-кечакдан тортиб озиқ-овқат маҳсулотларигача, қурилиш ашёлари-ю автомобилдан мураккаб технологик маҳсулотларгача — деярли барча турдаги товарларни ишлаб чиқармоқда. Биргина "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти тармоқларида, йилига 250 дан ортиқ экспортдаги маҳсулотларнинг 95 фоизини экспортга чиқармоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳаллийлаштириш дастурларининг амалиётга жорий қилинаётгани натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони ва сифати ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар мустақилликнинг илк йилларига нисбатан сезиларли даражада ўсиб, ҳозир 35,5 фоизга етди. Шу ўринда юртимизда фаолият олиб бораётган маиший техника ишлаб чиқарувчи "Artel" қўшма корхонаси фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бугун мазкур корхона "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида турли маиший техника воситаларини юртимиз ва хорижий истеъмолчиларга етказиб бермоқда. Миллий брендга айланган ушбу корхона нафақат сифатли маҳсулотлари, балки минглаб ишчи ўрнига эгалиги билан ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳитини янада кенгайтириш, тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларга эркинлик беришда, айниқса жорий йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармони долзарб аҳамият касб этади.

ЎзМТДП маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини кенгайтириш, ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмолини рағбатлантириш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остидаги товарларни жаҳон бозорларига чиқариш ғоясини доимо қўллаб-қувватлайди. Мазкур жараёнларда партия "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш — ЎзМТДПнинг иқтисодий соҳадаги устувор вазифаси" лойиҳаси доирасида тарғибот ҳамда амалий тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси эса соҳага оид қонун ижодкорлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, парламент назоратини амалга ошириш орқали ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётир. Фракциямиз ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамкорлигида соҳага оид қонунларнинг ижроси назорат-таҳлил фаолияти тартибида ўрганилди, Иқтисодиёт вазирлигининг тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш соҳасини такомиллаштириш юзасидан ахбороти тингланди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз тараққиётида эришилган натижалар, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ривожланиш кўрсаткичларимизни жаҳон ҳамжамияти тан олиб, "динамик ривожланаётган давлат" деб эътироф этаётгани барчамизга ғурур бағишлайди, албатта. Аммо ушбу кўрсаткичларни янада мустаҳкамлаш, Биринчи Президентимиз белгилаб берган вазифалар ҳамда кўзланган улкан марраларни эгаллашимиз учун иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш борасидаги ишларимизни янада изчил давом эттиришимиз лозим бўлади. Юрт фаровонлиги, Ватан равнақи билан боғлиқ ушбу жараёнлар ҳар биримиздан юксак масъулиятни талаб қилади.

"Milliy tiklanish" мухбири
Муҳтарама КОМИЛОВА
суҳбатлашди

18 октябрь – Самарқанд шаҳри куни

Шарқ гавҳари

...1996 йил. Самарқанд шаҳри марказида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Соҳибқиронинг муаззам ҳайкали қад ростлади. Ана шу қутлуғ сана муносабати билан мустақил Ватанимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов фармонига мувофиқ 18 октябрь куни Самарқанд шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди. Шундан буён бу кун юртимизда Самарқанд куни сифатида нишонлаб келинмоқда.



Ҳар гал Самарқандга борар эканман, шаҳарга кираверишдаги "Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд сизни қутлайди!" ёзувини кўришим билан юрагим ҳаприқиб кетади. Ҳар бир қарич ери тарихдан сўзловчи, ҳар қадамида бир авлиё мангу қўним топган бу маскан мустақиллик йилларида янада чирой очди, чиндан ҳам Шарқ гавҳарига, рўйи замин сайқалига айланди.

— Амир Темур ва темурийлар салтанатининг пойтахти, илм-маърифат, маънавият марказларидан бири сифатида донг таратган Самарқанд бугун ҳам дунё жамоатчилиги эътиборида, — дейди ЎзФА Археология институти директори, тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродов. — Тарих ва бугунни ўзида уйғунлаштирган қадимий шаҳар истиқлол йилларида янада сайқал топди. Регистон мажмуаси, Амир Темур, Руҳобод мақбаралари, Оқсарой, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Ҳазрати Хизр, Бибихоним масжидлари, Мирзо Улуғбек расадхонасида кенг кўламли таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди, гўзал боғ ва хиёбонлар ташкил этилди. Пировардида, нафақат ўзбек халқи, балки бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги бўлган ушбу обидалар 2001 йилда ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди.

Дарҳақиқат, Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида улуғ бир ҳикмат бор. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир гиштида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари мужассам. Бу ердаги обидалар, маданий ёдгорликлар аждодларимиз даҳосидан, олис ва буюк ўтмишдан сўзлайди.

...Баланд тепаликда жойлашган Ҳазрати Хизр масжиди кўҳна Самарқанднинг энг мўътабар жойларидан саналади. Бу ердан Регистон майдони, Биби Хоним масжидининг мовий гумбаз ва миноралари яққол кўриниб туради. У Самарқанддаги илк масжид бўлиб, VIII асрда бунёд этилган. Масжид қадимда шаҳардан ташқарида, Кеш дарвозаси йўли ёқасида жойлашган. Буюк ипак йўли бўйлаб қатновчи карвонлар шаҳарга ушбу дарвозадан кириб келган. Масжидни 1854 йилда Бухоро Амири Музаффархон буйруғи билан самарқандлик усталар эски пойдевор устига қайта барпо этишган. 1899 йилда унинг пешайвон ва дарвозахоналари қурилган. Мустақиллик даврида масжидни таъмирлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Масжид ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига кирган обидалар қаторидан жой олди. 2016 йилнинг 3 сентябрида ана шу масжид ёнида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов дафн этилди...

Филология фанлари номзоди, доцент Салоҳиддин Ҳайитов ҳар тонг Ҳазрати Хизр масжидини зиёрат қилишни, ўзи кўп йиллар ишлаган Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети атрофини пойпиёда айланиб юришни хуш кўради.

— Ёшим етмишга яқинлашяпти, — дейди у. — Шу қадим шаҳарда туғилиб ўсдим. Самарқанд кўз ўнгимда йилдан-йилга чирой очиб боряпти. Истиқлол йилларида аждодларимизнинг буюк ўтмишидан гувоҳлик берувчи қадамжоларимиз тубдан таъмирланиб, ўзгача қиёфа касб этди. Бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёзди. Дунёнинг етти иқлимидан келтирилган камёб гул ҳамда дарахт кўчатлари атрофга бетакрор кўриниш бағишлади. Регистон майдони ва боғдаги турли фавворалар атрофида ўйнаётган болажонларнинг шодон кулгиси, ажиб гўзалликлардан ҳайратланиб, уни суратга муҳрлаётган хорижлик сайёҳларни кўриб, фахрланиб кетасан, киши. Қалбинг завқ-шавққа тўлади.

Чиндан ҳам, мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, муҳташам иншоотлар, тураржойлар, янги таълим ва шифо масканлари, спорт мажмуалари, меҳмонхоналар, кенг кўчалар, маҳобатли кўприклар, ям-яшил ва сўлим хиёбонлар, истироҳат боғлари-ю бозорлар, фавворалар шаҳарга ўзгача фусункорлик бағишлади.

Самарқанддек улуғ ва азим шаҳар ҳақидаги фикрларни, бу ердаги бугунги бунёдкорлик жараёни, тараққиёт суръатларини санаб адоғига ета олмайсиз. Биринчи Президентимиз "бу дилбар шаҳар ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Уни бир бор кўрган одам ҳеч қачон эсидан чиқармайди", деб бежиз айтмаган.

Чор-атрофини Боғибаланд, Боғидилкушо каби бетакрор боғлар ўраб турган бу азим шаҳар ўзининг маҳобати, кўрки ва таровати билан дунё аҳлини маҳлиё айлаган. Америка Қўшма Штатларида чоп этиладиган нуфузли нашрлардан бири 2015 йилда "Дунёнинг албатта бориб кўриш керак бўлган элликта шаҳри" рўйхатига Самарқанд шаҳрини ҳам киритгани бежиз эмас. Бу қадимий шаҳарнинг шарафли тарихи, унинг бугунги ҳаёти, замонавий қиёфаси, ҳар томонлама обод ва гўзаллигининг муносиб эътирофидир.

2014 йил 15-16 май кунлари мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши ҳам ўзига хос рамзий маънога эга.

Зеро, бу шаҳар жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан биридир.

— "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиб, бу кўҳна замин буюк алломалар юрти эканига яна бир бор гувоҳ бўлдим, — дейди Франциядаги "Абу Али ибн Сино" Ассоциацияси президенти, профессор Марк Боннел. — Бу анжуман менга Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний каби улуғ мутафаккирлар ҳақида янги маълумотлар олиш имконини берди. Самарқанд шаҳри ойнаи жаҳонда кўрганимдан ҳам анча гўзал экан. Мени кўпроқ тарихий обидаларнинг маҳобати, бозорларингизнинг ободлиги, ўзбекона меҳмондўстлик ўзига мафтун этди. Францияда ҳам буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темур шаҳсига, ўзбек халқининг бой маданияти, қадимий тарихи ва бугунги куни билан танишишга қизиқиш жуда катта. Шаҳар бўйлаб юрар эканман, Соҳибқирон ва темурийлар тарихини у қурдирган миноралар, у барпо этган гўзал шаҳар орқали қайта ўргандим. У ҳақида ўқиганларим, тасаввурим кўз олдимда яққол намоён бўлди. Амир Темур Самарқандни маданият, маънавият маркази сифатида кўришни мақсад қилганди. Неча асрлар аввал қўйилган ана шундай эзгу мақсад, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг улкан саъй-ҳаракатлари туфайли амалга ошди: Самарқанд дунёнинг маданият марказига айланди. Самарқанд бор бўйи билан менинг юрагимда абадий қолади!

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ким эдигу ким бўлдик

Тадбирлар таассуротларга бой бўлди

Хоразм вилоятида "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзусида тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар истиқлол йилларида эришилган оламшумул ютуқлар, амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг самаралари ҳақида ҳаётий мисоллар воситасида сўз юритди.

Тадбирларда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг хотираси ёдга олиниб, ҳурмат бажо келтирилди. Юртбошимизнинг бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни таъминлаш йўлида амалга оширган эзгу ишлари ҳақида сўз юритилди.

Тарғибот тадбирлари доирасида вилоятнинг таълим муассасаларида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самараларини акс эттирувчи "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавусидаги фотокўргазма, таълим муассасаси қиёфасининг, моддий-техника базасининг олдинги ва ҳозирги кундаги ҳолати акс эттирилган фотосуратлардан иборат "Кеча ва бугун" номли ҳамда давлатимиз ва жамиятимиз ривожига ҳисса қўшаётган, юрт тинчлиги йўлида хизмат қилаётган инсонлар тўғрисида атрофлича маълумот берилган "Ибратли йўл" деб номланган стендлар ташкил этилди.

Шунингдек, истиқлол йилларида халқимиз эришган улкан ютуқ ва марралар, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган нотинчликлар, уларнинг ортида турган ғаразли кучларни фош этишга қаратилган "Марра бизники" видеоролиги намойиш этилди.

— Истиқлол йилларида серқуёш диёримизда ёш авлод камолоти йўлида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Азиза Бегматова. — Бироқ, бугун жаҳонда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлардан юз ўгиришга ундовчи "оммавий маданият", диний экстремизм каби мафкуравий таҳдидлар ўғил-қизларимиз маънавиятига хавф солаётгани ҳам сир эмас. Бунга қарши халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маънавияти, асрий қадриятларимиз, айниқса, умрбоқий санъатимизни тарғиб этиш орқали курашишимиз лозим. Тарғибот тадбирларида иштирок этиб, замон билан баробар қадам ташлаётган ўғил-қизларимизнинг спорт, мусиқа, таълим соҳаларида эришаётган ютуқлари, кенг дунёқараши ва келажакка бўлган ишончини кўриб жуда қувондим.

— Юртимизда биз ёшларнинг замонавий илм ва касб-ҳунарларни пухта эгаллашимиз, истеъдод ва салоҳиятимизни кенг намоён этишимиз учун барча шароит яратилган, — дейди Урганч давлат университети талабаси Озодбек Ражабов. — Университетимизда ташкил этилган очиқ ва самимий мулоқотлар тенгқурларим қатори менда ҳам катта таассурот қолдирди. Бу ерда таъкидланган фикрлар келгуси ҳаёт йўлимизда улкан сабоқ бўлади.

Тарғибот тадбирларида фаол иштирок этган бир гуруҳ ёшларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Алишер РАҲМОН,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
43 (415) 2016 йил 12 октябрь, чоршанба

Бугуннинг гапи

"Ўргимчак тўри" аслида ҳам тузоқ эмасми?..

"Ўғлим компьютер олиб беринг, деди. Олиб бердик. Интернетга уланайлик, деди. Бу истагини ҳам бажардик. Ҳаддан ташқари серсавол, ҳамма нарсага қизиқувчан ўғлим аста-секин ўзгара бошлади. Мактабдан келибоқ компьютерга ёпишар, ундан соатлаб ажралмасди. Аввалига хурсанд бўлдим, кўча-кўйда тентираб юргандан кўра, дарслардан сўнг уйда, кўз ўнгимда ўтиришидан хотиржам тортдим. Бироқ ўғлимнинг ҳаракатлари — руҳий ўзгаришлар ўсмирлик даврига хос эмасди: қандайдир одамови, лоқайд, ёлғизликни хуш кўрадиган ва худбин бўлиб қолаётгандек туюлди. Бир куни компьютерида даҳшатли фильмни томоша қилиб ўтирганини кўриб қолдим. Одатда, бунақа дискларни уйга келтирмасдим. Кейин билсам, Интернетдан кўчириб олибди...".



Бу — пойтахтлик уй бекаси Нозима Бўриеванинг фарзандидаги руҳий ҳолат юзасидан психолог қабулида айтган сўзлари...

— Айрим болалар компьтер ўйинларига мутлақ тобе бўлиб қолмоқда — дейди Тошкент тиббиёт академияси неврохирургия бўлими профессори Ортиқбой Эрназаров. — Бундай ўйинларнинг салбий оқибатлари фарзандларимизнинг нафақат руҳиятига, балки жисмоний ҳолатига ҳам хавф солмоқда. Компьютер нури болалар нари турсин, ҳатто катталарни ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиқтиради. Афсуски, бола керакли физиологик қувватни техника ёнида соатлаб ўтириши натижасида йўқотади. Бола организми ўсишни истайди, лекин кучи етмайди. Шундан у сўлғин, руҳан жиззаки, одамови бўлиб қолади. Бу болада ҳам айни шу ҳолат кузатилмоқда. Энди у табиат қўйнида кўпроқ дам олиши, витаминларга бой маҳсулотлар истеъмол қилиши, расмлар чизиши, бадиий китоблар ўқиши лозим. Шундагина реал ҳаётга қизиқиши ортади.

Фарзанд пластилин кабидир: четдан олаётган ахборотлари таъсирида унинг қарашлари тез ўзгаришга учрайди. Глобал тармоққа боғланган болалар, табиийки, асосий маълумотни виртуал оламдан олади. Ақлни ўстирувчи ўйинлар билан машғул бўлиши ёки китоб ўқиши учун болани доимий назорат қилиб бориш, унга керакли манба топишда яқинлари ёрдам бериши керак.

Бундан беш-ўн йил олдин уйлар атрофидаги ўйин майдонлари болалар, ўсмирлар билан гавжум бўларди. Ҳозир болаларни асосан Интернет-кафеларда учратасиз. Улар компьютер ўйинларига муккасидан кетмоқда. Фарзандларимизнинг замонавий ахборот технологияларига доир билим ва кўникмалари эрта шакланиб бораётгани, албатта, қувонарли. Аммо бу маълум бир йўқотишларга сабаб бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Талабаларимни обдон кузатиб, шундай хулосага келдимки, Интернет шахсда фикрий ривожланишни, мушоҳада, таҳлил қилиш қобилиятини, изланувчанлик ва хотирани сусайтиради: бола ҳатто тўрт сатрни ҳам хотирасида сақлаб қололмайди, шахсий компьютерининг хотирасига суяниб қолади. Баъзан компьютер, хусусан, Интернет фарзандларимизни ўйламай, фикрламай яшашга ўргатмаяптимикан, деган хавотирга ҳам тушасан киши...

Умумий психология фанидан яратилган электрон дарсликни талабаларга тавсия қилдим. Мазкур дарсликка маърузалар матни, лаборатория топшириқлари ва психологик тестлар билан бирга дам олиш учун мўлжалланган интеллектуал ўйинлар ҳам киритилганди. Бир ҳафтадан сўнг талабаларнинг дарслик ҳақидаги фикрларини сўрадим. Афсуски, кўплаб талабалардан "ўйинлари зўр экан...", "анови ўйиндаги ўйинчининг турдан чиқиб кетиш йўли қандай?" деган сўзларни эшитдим, холос. Бу аксарият ёшларимизнинг Интернетга ахборот манбаи эмас, кўпроқ дам олиш воситаси сифатида қараётганидан далолат беради...

Мақола тайёрлаш давомида пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 249-умумтаълим мактаби ва Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 5-академик лицей ўқувчилари ўртасида ижтимоий тармоқлар ҳақида кичик сўровнома ўтказдик. Сўровномада иштирок этган 100 дан зиёд ўқувчидан 30 фоизи тармоқлар дўстлар орттириш учун керак, деган бўлса, яна шунчаси тарбияга салбий таъсирини таъкидлаган. 20 фоизи ўз фикрини билдириш учун минбар сифатида фойдаланса, қолган 20 фоиз ўқувчининг фикрича, бекорчиликдан бошқа нарса эмаслигини қайд этган.

Бугун Интернетдан фойдаланувчиларни шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифадагилар Интернетга касби билан боғлиқ зарур маълумот ва ахборот олиш мақсадида мурожат қилса, иккинчи тоифа шунчаки қизиқишга кўра, дейлик, танишув сайтларига кириб ёки турли ўйинлар билан кун ўтказиш истагида бўлади. Айтайлик, илмий сайтга кириб керакли манбани ўқиб турган пайтингизда турли бузғунчи сайтлар рекламаси экранда пайдо бўлади. Руҳий таъсир қувватига эга рекламаларга эътибор қаратиш, ортиқча маълумотлар ортидан қувиш инсон вақтини беҳуда сарфлаш демакдир. Вақтини беҳудага сарфловчи кишилар ҳақида бундан бир неча аср илгари мутафаккир Абу Али ибн Сино асарларида шундай дейилади: "Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни вақтда турли касалликнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади".

Глобал тармоқ имкониятларини, унинг фойдали жиҳатларини ҳеч ким инкор этмайди. Шунинг учун, бугун ўсмирлар виртуал оламда нима яхши-ю, нима ёмонлигини ўрганишлари, Интернетдан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириш долзарб масалага айланиб бормоқда. Бинобарин, ёшларнинг руҳий-маънавий оламини зарарли унсурлардан ҳимоя қилиш орқали тараққиёт пойдевори тикланади. Маънавий баркамоллик эса жамият тараққиётининг муҳим омилидир.

— Интернет — катта бозор: харидор ундан ўзи учун керакли нарсани топади, — дейди Интернет таҳдидлари бўйича эксперт Жасур Раупов. — Унда, айниқса, турли ўйинлар, клиплар, фотосуратлар ва видеолавҳаларнинг бозори чаққон. Маълумотларга қараганда, айни пайтда уяли телефон орқали беҳаё фильмларни тайёрлаш ва тарқатиш тез ривожланаётган бизнес турига айланган. Биргина "Facebook" ижтимоий тармоғида ҳозир 1 миллиард 366 миллиондан ортиқ фойдаланувчи бор, уларнинг 140 мингдан зиёди ўзбекистонликлар экан. "Facebook"га доир статистика маълумотларига кўра, бир кунда 500 миллиондан ортиқ киши глобал тармоққа уяли телефон орқали киради.

Ўзбекчада "чуғурламоқ", "валжирамоқ" каби маъноларни англатувчи "Twitter" жаҳонда энг машҳур кичик блог хизмат турларини тақдим этувчи ижтимоий тармоқ ҳисобланади. Мазкур тармоқ дунё миқёсида 284 миллиондан ортиқ фойдаланувчига эга. Айни пайтда уларнинг салкам 100 минг нафари юртдошларимиз. Мутахассислар ушбу ижтимоий тармоқ фаолият механизмини ўрганиб чиқишганда, унда ахборотлар ҳеч бир масъулиятсиз (асос-далилсиз, ёлғон-яшиқ, миш-мишлар) тарқатилишини кузатишган. Мана шундай тармоқлар сирасига "Odnoklassniki" ва "Мой мир"ни ҳам киритиш мумкин. "Odnoklassniki" сайтининг бугун салкам 150 миллион ўқувчиси бор. Ёш ўсмирдан тортиб ёши катталар ҳам мазкур тармоқдан фойдаланади. Ушбу сайт фойдаланувчилари, асосан, 14-55 ёшлилар. Афсуски, ўсмирларнинг аксарияти ундан фойдали маълумотлар олиш ўрнига, ўртоқлари билан вақтларини ўтказиш учун фойдаланаётгани ачинарлидир.

Яқинда бир воқеани эшитиб, ёқа ушладим: бир гўдак ҳовлидаги бассейнга тушиб ҳалок бўлган, бу вақтда гўдакнинг онаси "Odnoklassniki"да "ўтирган" бўлган.

Аёл йиғлай-йиғлай шундай ҳикоя қилди: "Тўйга қадар онажонимнинг қистови билан "Odnoklassniki"дан қутилгандим, бироқ тўйдан сўнг яна зерика бошладим. Кунларнинг бирида дугоналарим меҳмонга келишди. Уларни соғингандим. Гапдан гап чиқиб, улар: "нега "Odnoklassniki"га кирмаяпсан, сени "одно" соғинди", дея ҳазил қилишди. Турли баҳоналаримга қарамай, ўша куни дугоналарим мени яна ижтимоий тармоққа қайтарди. Турмуш ўртоғимдан буни сир тутдим. Зерикиш мендан узоқлашган, дугоналарим, синфдошларим билан алоқам янада мустаҳкамлана бошлади. Кун бўйи "odno"да ўтирар, баъзан рўзғордаги зарур юмушлар ҳам ёдимдан кўтарилиб қоларди. Бунинг барчаси мени ҳалокатга яқинлаштираётганини билмасдим... Фарзандим энди бир ёшни қаршилаган, эмаклаб, тетапоя қила бошлаганди. Компьютердан бош кўтариб, не кўз билан қарайки, ёнимда болам йўқ. Қидира бошладим. Жоним бўғзимда. Ташқарига отилдим ва бутун ҳаётимни ўзгартириб юборган мудҳиш воқеанинг гувоҳи бўлдим — фарзандимдан айрилдим. Умрбод айбдорман...".

Бундай мисоллар, афсуски, фақат битта эмас. Чунки атрофимизда ижтимоий тармоқларга муккасидан кетганлар анча. Ёшлар Интернетдаги бузғунчи материаллар, айниқса, видеолавҳалар учинчи қўл томонидан сунъий майдон ёки саҳналарда уюштирилаётганини англаб етиши зарур.

Мамлакатимиз эришаётган, дунё тан олаётган улкан ютуқларнинг асосий омили — халқимизнинг юксак маънавиятида. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг ёш авлодни гўзал ахлоқли қилиб тарбиялашга чақириб: "агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, бундай кишилардан яхшилик кутмак, ердан туриб юлдузларга қўл узатмак кабидир. Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, бундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатга тариқча фойда йўқдур", деган сўзлари бир аср аввал миллатимиз учун қанчалик муҳим ва долзарблик касб этган бўлса, ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бизга узоқдан жилоланиб кўринган Интернетдаги ижтимоий тармоқларга билмай тушиб қолмаслиги, фан-техника сирларини пухта эгаллаш билан бирга унга тобе бўлиб, ёшларимизнинг ҳаётида мақоламизда келтирилган инсонларнинг соғлиги ёки ҳаётини кемтик қиладиган оқибатларга олиб келмаслиги учун уларга тўғри йўл кўрсатиш — наинки ота-оналар, балки барчамизнинг бурчимиз. Шу маънода Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида илгари сурилган — ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш ғоялари ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий ғурур

Изланишнинг меваси — муваффақият

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади", деган мақол бор. Болада спортга меҳрни шакллантириш, унинг бирор бир спорт турига қизиқишини ошириш учун аввало оилада соғлом муҳит бўлиши керак. Спортчилар оиласида туғилиб, вояга етган Дилфуза опасига эргашиб болалигидан бошлаб спорт билан шуғуллана бошлади. Агар болада ҳаракат, интилиш бўлсаю унга ўз вақтида рағбат кўрсатилмаса, иқтидори қўллаб-қувватланмаса бирон-бир натижага эришиш мушкул.

Ота-онасининг қўллаб-қувватлаши билан эзгу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ёш спортчининг турли даражадаги спорт ареналарида эришаётган ғалабаларида ўз ифодасини топа бошлади. У ўқувчилик даврида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида фаол иштирок этган бўлса, 2012 йили Тошкент шаҳрида ўсмирлар ўртасида таэквондо бўйича ўтказилган республика чемпионатида кумуш медаль билан тақдирланди. 2014 йилда эса Ўзбекистон кубогини қўлга киритди. Бу ютуқлар унда ўзига бўлган ишончни янада оширди.

— Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътиборга жавобан келажакда жаҳон ареналарида Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан, — дейди Дилфуза. — Мақсадим — жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинларида ғолиб бўлиш. Юртимизда яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз олдимга қўйган мақсадларни рўёбга чиқаришга, жаҳон узра Ўзбекистондек қудратли юртнинг муносиб фарзанди эканимни исботлашга аҳд қилганман.

Дарҳақиқат, оиладаги соғлом муҳит Дилфузанинг спортчи бўлишида катта роль ўйнади ва у халқаро турнирларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун аста-секин ўз тажрибасини ошириб бормоқда. Қолаверса, спорт билан шуғулланган киши нафақат соғлом, балки иродали, мақсад сари интилувчан бўлиб, руҳий-маънавий камолотга эришишини бу оилада яхши англашади.

— Бугун ёшларимизнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариши учун яратилган кенг имкониятлар самарасида ўғил-қизларимиз эришаётган натижалар халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда, дунё ҳавасини уйғотмоқда, — дейди Дилфузанинг онаси Муҳаббат опа. — Спорт маънавий ва жисмоний баркамолликнинг муҳим мезонидир. У ўғил-қизларимизнинг иродасини тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Ҳа, мамлакатимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишлар, яратилаётган имкониятлар ва рағбат Дилфуза каби интилувчан ёшларни катта марралар сари руҳлантирмоқда.

Т. АЪЗАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Матбуот анжумани

Туманда кенг кўламли бунёдкорлик

ишлари амалга оширилади

Пойтахтимизнинг Сергели туманида 500 янги кўп қаватли уй ва 6 метро бекати қурилади. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган матбуот анжуманида Сергели тумани ҳокими Фурқат Мақсудхўжаев маълум қилди.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш юзасидан ташкил этилган анжуманда Сергели туманининг ишлаб чиқариш салоҳияти, олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, инвестиция имкониятлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг маълумот берилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, жамиятда ижтимоий барқарорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, бу жараёнда 2017-2022 йилларда Сергели туманида 500 кўп қаватли уйлар бунёд этиш билан боғлиқ лойиҳа ишлаб чиқилди. Унинг амалга оширилиши эса қарийб 30 минг оилани янги уй-жой билан таъминлаш имконини беради.

— Шунингдек, туманимизда янги транспорт-коммуникация тармоқлари, маданий-маиший объектлар бунёд этиш, ер усти тезюрар метро йўналишлари қурилишини лойиҳалаштириш ишларини жадаллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда, — деди Ф.Мақсудхўжаев. — Тўрт йил ичида қурилиши режалаштирилган, жами узунлиги 8 километрдан зиёд олти метро бекати туманнинг Спутник даҳасидан "Олмазор" метро бекатигача бўлган ораликда жойлашади.

Матбуот анжуманида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, янги иш ўринларини яратиш каби масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Бугун туманда бешта йирик саноат, 144 қўшма, 300 дан зиёд кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги изчил чора-тадбирлар натижасида туманда саноат маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, экспорт кўрсаткичи динамикаси муттасил ортиб бормоқда. Жорий йилда йирик корхоналар 9 миллиард сўмдан зиёд саноат, 5 миллиард сўмдан ортиқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида маҳаллалардаги кўп қаватли турар-жой бинолари жорий ва капитал таъмирланди. Мавжуд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига бугунги кунга қадар тижорат банклари қарийб 3 миллиард сўмлик кредит ажратган.

Туманда аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий ўқув йилида ҳудуддаги молия, иқтисодиёт, тиббиёт, енгил саноат, педагогика ва бошқа йўналишларга ихтисослашган 7 касб-ҳунар коллежини битирган 1 минг 871 йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 2017 йилда 7 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда. Бунда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ва қувватларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар яратиш, касаначиликни ривожлантириш устувор вазифа саналади.

Тадбирда журналистларнинг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ҳудуддаги ижроси, қурилажак янги йўллар, яшил ҳудудлар барпо этиш, тумандаги маданият ва истироҳат боғларига оид саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Тишлар соғлом бўлса, насиба бутун

...Охирги марта қачон тиш шифокорига учрадингиз? Агар ёдингиздан кўтарилган бўлса, у ҳолда тезда шифокор қабулига шошилинг. Сабаби, носоғлом тишлар нафақат оғиз бўшлиғи, балки ички касалликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин...

Оғиз бўшлиғида уч юзга яқин микроорганизмлар яшайди. Тўғри, улар бир қараганда рисоладагидай, ҳеч қандай халақит бермайдигандай туюлади. Қолаверса, улар зарурий микрофлораларнинг ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эгалигини ҳисобга олсак, янада хотиржам тортишимиз табиий. Бироқ тишда кариес пайдо бўлиши ёки милкларда муаммолар келиб чиқиши билан вазият бутунлай тескари кўриниш олади.



Кариес қандай пайдо бўлади?

Кариес — тиш тўқималарининг емирилиши. У тиш илдизлари атрофида ҳам ривожланиши мумкин. Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, инсоният кариес билан боғлиқ муаммога неолит давридан буён тўқнаш келади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, бугун кариес мактаб ёшидаги 60-90 фоиз болаларда, катталарда эса деярли 100 фоиз ҳолатда учрайди.

Кариес лотин тилидаги "caries" сўзидан олинган бўлиб, "чирик", "чиринди" маъноларини англатади. Унинг ривожланишига организмда оқсил, витамин, минерал тузлар, фтор ҳамда турли микроэлементларнинг етарли миқдорда эмаслиги сабаб бўлади. Бундан тахминан ярим аср илгари кариес юқумли касаллик экани, у ҳатто онадан болага ўпич орқали ҳам юқиши аниқланган эди. Касалликни оғиз бўшлиғидаги кариес қўзғатувчи бактериялар чақиради. Таркибида шакар миқдори кўп озиқ-овқат маҳсулотлари кариес ривожланишининг асосий омилидир. Бугун олимлар оғиз бўшлиғида яшовчи микрофлоралар кариес келиб чиқишига сабаб бўлишини таъкидламоқда. Гап шундаки, бактериялар инсон истеъмол қиладиган шакар қолдиқларини ютади. Бу эса органик кислоталарнинг ҳосил бўлишига, оқибатда оддий углеводларнинг йўқолишига сабаб бўлади. Кислоталар эса, ўз навбатида, тиш эмалига таъсир кўрсатиб, кариес жараёни бошланишига олиб келади. Оғиз бўшлиғи гигиенаси қоидаларига қатъий риоя қилмаслик натижасида тиш эмали сиртида қора доғлар пайдо бўлади. У тишнинг овқат чайнайдиган қисмидаги кичик тиқимлар, чуқурчалар атрофида йиғилади. Мазкур қора доғлар крахмал, шакар ва суюқлик таъсирида кариес ҳосил бўлишига олиб келади. Ёш ўтгани сари милклар торайиб, тиш илдизларида бактерияли доғ ҳосил бўлади. Бу эса касалликнинг ривожланишига туртки беради.

Баъзан кариеснинг дастлабки босқичида тишда оқ рангли доғ пайдо бўлади. Тиш эмали ўз жилосини йўқотиб, ғадир-будур бўлиб қолади. Бундай пайтда одам ҳеч қандай оғриқ сезмайди ва тишларида кариес ривожланаётганини ҳис қилмайди. Шунга қарамай, касалликни унинг дастлабки босқичида аниқлаш, ривожланишининг олдини олиш, тишларга у қадар зиён етказмаган ҳолда даволаш мумкин. Ўз вақтида олди олинмаса, кариеснинг ривожланиш жараёни кучайиб, тишнинг бутунлай емирилишига олиб келади.

Барча касаллик — тишдан

Маълум муддат ўтгач, оғиз бўшлиғида турган зараркунандалар у ерни тарк этиб, организм бўйлаб "сайёҳат" қила бошлайди. Бу эса ички аъзоларнинг хасталанишига олиб келиши ҳеч гап эмас. Оғиз бўшлиғидан ошқозонга кўчиб ўтган зарарли микроорганизмлар ошқозон шиллиқ пардаларининг яллиғланиши (гастрит), ошқозон яраси (язва), холецистит каби ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради. Шу боис малакали гастроэнтеролог-шифокорлар беморларга биринчи навбатда тиш дўхтирига мурожаат қилишни тавсия этади. Шундай ҳолатлар бўладики, кимдир йиллар давомида ошқозон оғриғидан азият чекади. Сабаби эса тиш билан боғлиқ касалликлар бўлиб чиқади. Тиш даволанмагунича ошқозон муаммосидан халос бўлишнинг имкони йўқ. Шу билан бирга, баъзан тескари ҳолат кузатилади. Яъни, тиш тошларининг пайдо бўлиши ошқозон-ичак касалликлари юзага келаётганидан ишора бериши мумкин. Бунда овқатни яхшилаб чайнаб емаслик туфайли ҳазм қилиш жараёни бузилади, тишларда эса тошлар ҳосил бўлади.

Қизиғи, оғиз бўшлиғидаги хавфли бактериялар юрак хасталикларига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун, тиш ораларини ип воситасида тозалаш милкни жароҳатлаб, аксарият ҳолларда ўша жойда яра ҳосил бўлишига олиб келади. Ярага эса зарарли микроблар тушиш эҳтимоли юқори. Агар у қон билан юрак тўқималаригача етиб борса, юрак каналлари яллиғланиши — эндокардитга олиб келиши ҳеч гап эмас. Тадқиқотлар шуни кўрсатаяптики, оғиз бўшлиғи тозалигига риоя қилмаслик 70 фоиз ҳолатларда қон-томир касалликларига сабаб бўлади. Носоғлом тишлар тромбоз (томирларда қоннинг ивиб қолиши), атеросклероз, инфаркт, инсульт каби хавфли касалликларни эрта ривожлантиради. Қонга тушган касаллик қўзғатувчи бактериялар ичак деворларига — атеросклеротик тошма ҳосил бўла бошлаган жойга ўрнашиб олади. Бундай ҳолатда тошма йириклашиб, ичакда тиқим ҳосил қилади. Борди-ю, у ёрилгудек бўлса, инфаркт, инсульт ва бошқа хасталиклар юзага келиши мумкин.

Сақич тишга фойдалими ё зарарли?

Қадим замонлардан одамлар турли нарсалардан сақич ўрнида фойдаланган. Мисол учун, қадимги юнонлар дарахт елимини, майя қабиласи каучук, сибирликлар тилоғоч смоласини, ҳиндлар эса хушбўй баргларни чайнаган. Бундай "сақич"лар одамни оғиз бўшлиғида пайдо бўладиган нохуш ҳиддан халос этган, тишларни тозалаган, милкларни уқалаган, оғизда ширин таъм ҳосил қилган. Америка қитъаси кашф этилганидан сўнг, чайналадиган тамаки пайдо бўлади ва у кенг ёйилади.

Сақичнинг тиш учун фойда ёки зарари борасида турли қарашлар мавжуд. Шу нарса аниқки, сақич чайнаётган пайтда оғиз бўшлиғида сўлак ажралиб чиқиши кучаяди. Бу эса тишларнинг ювилишига, милкларнинг уқаланишига ёрдам беради. Бироқ сақич тиш ювиш ўрнини боса олмайди. Унинг воситасида тишларнинг тозалигини тўлиқ таъминлаш имкони йўқ. Сақич кариеснинг ҳам олдини ололмайди. Сабаби кариес тишнинг сақич чайнайдиган қисмида эмас, балки орасида ривожланади. Шу боис сақич мазкур касаллик профилактикасига фойда бермайди. Айниқса, тишлари пломбаланган ёки қолипланган одамлар учун кўп сақич чайнаш зарарли. Боиси, сақич қопламаларнинг дарз кетишига, синишига олиб келиши мумкин. Қолаверса, сақич оғиз бўшлиғидаги нохуш ҳидни ҳам тўлиқ бартараф этолмайди. Мутахассислар фикрича, оғиз бўшлиғидаги нохуш ҳидни бартараф этувчи энг самарали восита — қаҳва. Бунинг учун бир нечта каҳва донини чайнаш кифоя. Гап шундаки, қаҳва донлари таркибида нохуш ҳид тарқатувчи бактерияларни бартараф этувчи моддалар мавжуд.

Даволагандан кўра, олдини олган маъқул

Тиш касалликларининг олдини олиш учун бир йилда камида икки марта тиш шифокори кўригидан ўтиш мақсадга мувофиқ. Оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилиш, тишларни кунига икки бор, камида икки дақиқа давомида, сифатли пастада ювиш лозим.

Тишдаги оғриқ унинг нерв толаси билан боғлиқ. Аввалига ҳосил бўлган йирингли яллиғланиш бактерияси ("Streptococcus mutans") кислоталари тиш эмалини — инсон организмидаги энг қаттиқ тўқимани емиради. Ундан тиш илдизларини қамраб олган дентин қаватига ўтади. Дентил эмалга қараганда бироз юмшоқроқ қават. Кариес пайдо бўлганида суюқлик дентин каналчаларидан ўтиб, тиш нервига қадар етиб боради. Бу эса оғриқни юзага келтиради. Дентал каналчаларига тушган, ҳатто, энг кам миқдордаги суюқлик ҳам оғриқ бериши мумкин. Агар кариес ўз вақтида даволанмаса, яллиғланиш тишнинг нерв толасига қадар етиб боради. Натижада, тиш нерв толасини олишга тўғри келади. Нерв толасидан айрилган тиш эса жонсиз аъзога айланади.

— Авволлари кариесни оғиз бўшлиғида яшовчи турли бактериялар келтириб чиқаради деб ҳисобланиб келинган, — дейди Москва шаҳридаги "Dental Art" стоматология маркази тиш шифокори Пётр Снякин. — Бироқ кейинчалик уни кўпроқ "Streptococcus mutans" вируси чақириши маълум бўлди. Ҳатто тишларни ҳар куни ювган тақдирда ҳам ундан халос бўлишнинг иложи йўқ. Тишда кариес пайдо бўлиши учун фақат бактериянинг ўзи етарли эмас. Бунда биз истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам муҳим ўрин тутади. Йирингли яллиғланиш бактерияси тиш эмалини емирадиган шакар ёки крахмали кислоталарга айлантиради. Оғиз бўшлиғи гигиенасига эътиборсиз қаралса, мазкур жараён мураккаблашиб бораверади.

Тиш касаллиги, хусусан, кариес муаммоси ёш болаларда ҳам кўп учрайди. Бунга онанинг ҳомиладорлик пайтида нотўғри овқатланганги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бироқ шунда ҳам бола тишларини парвариш қилиш ҳисобига муаммо бартараф этилади. Болалар учун уларнинг тишлари чиқаётганида ичиш тавсия этиладиган дори воситалари мавжуд. Масалан, Франция ва бошқа мамлакатларда болаларга фторли дори воситалари ёки фторли сут истеъмол қилиш орқали бу муаммоларга ечим топилган. Бунда, албатта, меъёрга риоя қилиш мақсадга мувофиқ. Сабаби организмда фтор миқдорининг ошиб кетиши флюороз (суякларда фтор тузининг йиғилиб қолиши)га олиб келади. Катталар учун бундай воситалар наф бермайди. Шунга қарамай, тиш шифокорига мурожаат қилиб, тишларни тозалатиш ва фтор "ётқизиш" лозим. Яъни, тиш эмали қанчалик мустаҳкам бўлса, у кариесга шунча кам чалинади.

Ҳар бир киши тишлари ҳолатидан келиб чиқиб паста танлагани маъқул. Масалан, тиш оқартирувчи пасталардан ҳар куни фойдаланиб бўлмайди. Фақат ашаддий кашандаларгина бундай пастадан ҳафтасига 3-4 марта фойдаланса, наф беради. Агар тишларда қорайиш ҳолати мавжуд бўлмаса ёки улар табиий сариқ бўлса, бундай пасталар нафақат фойдали эмас, ҳатто зарарлидир. Милк яллиғланишига қарши пасталар оғиз бўшлиғида юзага келадиган нохуш ҳидни бартараф этишда айни муддао. Қолаверса, бундай пасталар кариес профилактикасида ҳам фойдали. Агар тишларни ювиш жараёнида оғриқ сезилса, у ҳолда эмалнинг сезувчанлигини туширувчи пасталардан фойдаланган маъқул.

Мухтасар айтганда, тиш касалликларининг олдини олиш учун йилига камида икки бор тиш шифокори кўригидан ўтиш, углеводлар истеъмолини камайтириш, таркибида фтор элементи мавжуд пасталардан фойдаланиш, тишни қоидага риоя қилган ҳолда ювиш, тўғри овқатланиш, оғиз бўшлиғи тозалигига доимо эътиборли бўлиш, овқатлангандан сўнг, бир неча дақиқа сақич чайнаш каби оддий қоидаларга риоя қилиш лозим. Зеро, соғлом тишлар — соғлом ҳаёт омили. Уларга қанчалик эътиборли бўлсак, энг катта бойлигимиз бўлмиш саломатлигимизни асраган бўламиз.

Рангин дунё

Футбол "ватани" — Англиянинг Манчестер шаҳрида ушбу спорт тури тарихига оид ноёб буюмлар сақланадиган, дунёда муқобили йўқ Миллий футбол музейи фаолият юритади. Музейга 2001 йилда Кевин Мур асос солган. Даставвал у ўн йил давомида (2001-2010 йиллар) Престон шаҳридаги, ҳозирда фаолият кўрсатаётган стадионлар орасида энг қадимийси, яъни 1878 йилда бунёд этилган "Диндейл" ўйингоҳи яқинидаги бинода иш бошлаган.

Миллий футбол музейи

Музейнинг мазкур биноси қаршисида Англия футболи афсонаси Том Финнининг ҳайкали ўрнатилган. Бу бежиз эмас. Сабаби, бу футболчи ўз фаолияти давомида фақат бир жамоа — Престон шаҳрининг "Престон Норт Энд" клуби шарафини ҳимоя қилган, жамоа сафида 433 ўйинда иштирок этиб, 187 голга муаллифлик қилган.

2008 йилда Англия футбол лигаси раиси Брайан Мовинни томошабинларни музейга янада кўпроқ жалб этиш учун уни Престон шаҳридан "Уэмбли" стадионига кўчириш таклифини илгари суради. Музей асосчиси Кевин Мур васийлик кенгаши унинг алоҳида штаб-квартираси бўлишини талаб қилаётганини маълум қилиб, бу фикрни рад этади. Охир-оқибат эса васийлик кенгаши музейнинг Манчестер шаҳридаги "Урбис" кўргазма маркази биносига кўчириш учун овоз беради. Шу тариқа 2012 йилда музей Манчестер шаҳрига кўчирилади. Шу йилнинг 6 июлидан янги бинода қайта фаолият кўрсата бошлайди.

Миллий футбол музейининг Престонда жойлашган филиалини молиялаштириш манбалари ҳисобидан сақлаб қолиш кўзда тутилган эди. Шундай бўлса-да, васийлик кенгаши молиявий ёрдам масаласида Ланкашир графлиги билан келишувга эриша олмайди. Шу боис 2010 йилнинг апрелида музейнинг эски биноси томошабинлар учун вақтинча ёпиб қўйилади. Бироқ унинг Престон шаҳридаги филиали 2012 йилдан буён тадқиқот маркази сифатида хизмат қилиб келмоқда.

2003 йилда Миллий футбол музейи ҳамда Марказий Ланкашир университети ҳамкорлигида футболнинг тарихий, ижтимоий ва маданий жиҳатларини тадқиқ этишга қаратилган Халқаро футбол институтига асос солинади. Музейга айни пайтда 1966 йилда Англия терма жамоаси сафида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган афсонавий инглиз футболчиси Бобби Чарльтон раҳбарлик қилмоқда.

Музейнинг кириш йўлакчасида Англия чемпионатларининг барча даврида юқори лигада иштирок этган клубларнинг номи қайд этилган рўйхат илинган. Унда Англия чемпионатида қуйи лигага тушиб кетган клублар қизил, юқори дивизионга кўтарилган жамоалар эса яшил рангда берилган.

1901 йилда туширилган, стадионлардан бирида футбол тарихидаги энг кўп — 110 минг мухлис тасвирланган сурат музейнинг ноёб буюмларидан саналади. Музей коллекцияларидан футбол тарихидаги илк халқаро ўйинда майдонга тушган Шотландия ҳамда Англия терма жамоалари футболчилари кийиб чиққан либос ҳам ўрин олган. Ҳозирги футболчиларнинг либосларидан тубдан фарқ қилган бундай спорт кийимлари жун матодан тўқилган. 1900 йилда Уэльс терма жамоаси футболчилари мусобақаларда кийган спорт либоси ҳам музейнинг ўзига хос экспонатларидан саналади.

Миллий футбол музейининг яна бир нодир экспонати — 1930 йилда Уругвайда ўтказилган футбол бўйича илк жаҳон чемпионати финалида ўйналган, бир-биридан фарқланувчи икки хил кўринишдаги тўплардир. Ёнма-ён қўйилган ушбу тўпларнинг қай бирида ўйнаш борасида ўйиндан олдин финал баҳси иштирокчилари — Аргентина ва Уругвай терма жамоалари ўртасида келишмовчилик келиб чиққан. Шунда учрашув бош ҳаками ўйиннинг биринчи бўлимида Аргентина жамоаси танлаган тўпда, иккинчи ярмида эса Уругвай термаси маъқул кўрган тўпда ўйин давом эттирилиши борасида қарор қабул қилади. Аргентина терма жамоаси учрашувнинг биринчи бўлимидан сўнг 2:1 ҳисобида олдинга ўтиб, ғалаба сари яқинлашади. Бироқ ўйиннинг иккинчи бўлими Уругвай терма жамоаси танлаган тўп билан давом эттирилади. Бу сафар тўп Уругвайга омад келтиради. Якунда Уругвай терма жамоаси 4:2 ҳисобида тарихий ғалабани қайд этиб, футбол бўйича илк жаҳон чемпионига айланади.

Шунингдек, бу масканда яна бир "рекордчи" — тўп киши эътиборини тортади. 1936 йилда "Лутон Таун" ҳамда "Бристоль Роверс" жамоалари ўртасида ўтказилган ўйинда мазкур тўпда гол киритиш бўйича рекорд ўрнатилган: "Лутон Таун" жамоаси футболчиси Жо Пейн ушбу тўп билан рақиб дарвозасини 10 марта ишғол этган. Ўйин эса 12-0 ҳисобида "Лутон Таун" жамоаси фойдасига ҳал бўлган.

Музей экспозициясидан машҳур инглиз футболчиси Стэнли Мэтьюзнинг бутсаси ҳам ўрин олган. "Блэкпул" жамоаси ўйинчисининг оёқ кийимига бунчаклик эътибор қаратилишига қуйидаги мисол ойдинлик киритади. 1953 йилда ўтказилган Англия кубоги финали "Мэтьюз финали" номи билан тарихга муҳрланган. "Уэмбли" стадионида бўлиб ўтган ўйиннинг 60-дақиқасига қадар "Блэкпул" жамоаси "Болтон" клубига 3-1 ҳисобида имкониятни бой бераётганида, Стэнли Мэтьюзнинг тўп узатишлари ҳисобига Стэн Мортенсен рақиб дарвозасини уч бор ишғол этиб, жамоасининг 4-3 ҳисобидаги ғалабасини таъминлайди. Қолаверса, бу Англия қироличаси Елизавета II ўйинни бевосита стадионда томоша қилган илк учрашув сифатида ҳам тарихда қолган.

Германиялик дарвозабон Берт Траутманн бўйнидан олган жароҳат туфайли тақкан шлем ҳам музей коллекциясидан ўрин олган. Фаолиятининг сўнги ўн беш йилида "Манчестер Сити" клуби шарафини ҳимоя қилган футболчи сўнгги 250 ўйинда ўз дарвозасидан атиги 5 тўп ўтказган. Қолаверса, у футбол тарихида матонатли футболчи сифатида ҳам ном қозонган. Боиси, у 1956 йилда Англия кубогининг финал учрашувида "Бирмингем" жамоаси билан беллашувнинг 75-дақиқасида бўйнидан жиддий жароҳат олишига қарамай, ўйинни давом эттиради. Бунинг натижасида унинг жамоаси ғалабага эришади. Ўйиндан сўнг ўтказилган тақдирлаш маросимида Берт Траутманн олтин медални бўйнига зўрға иладди. Рентген таҳлиллари ўшанда унинг бўйни синганини тасдиқлайди.

Музей деворларига 1966 йилда ўтказилган жаҳон чемпионати учун махсус тайёрланган чипталар ёпиштирилган. Шунингдек, музей коллекциясидан яқин ўтмишга тегишли буюмлар ҳам жой олган. Мисол учун, 2002 йил Япония ҳамда Жанубий Кореяда ўтказилган жаҳон чемпионатида ўйналган тўп музейнинг энг қадрли экспонатларидан ҳисобланади. Англия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Дэвид Бекхэм ушбу тўп билан ўн бир метрли жаримадан Аргентина терма жамоаси дарвозасини ишғол этган. Натижада Англия термаси 1-0 ҳисобидаги муҳим ғалабани қайд этган.

Мухтасар айтганда, музейдан ўрин олган ноёб эскпонатлар "миллионлар ўйини" — футбол тарихи, унинг ривожланиш босқичлари ҳақида томошабинда унутилмас таассурот қолдириши, шубҳасиз.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

"Рекордчи"-қовоқ

Бельгиялик фермер Маттиас Виллемайнс оғирлиги 1 минг 190 килограмм келадиган қовоқ етиштирди. Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги хабар тарқатган.

Фермер бу антиқа сабзавотни Германиянинг Людвигсбург шаҳрида Европа мамлакатлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган улкан қовоқлар кўргазмасига олиб келди. Қовоқ аввалги рекордни ортда қолдириб, "Гиннеснинг рекордлар китоби"ига киритилди. Аввалги рекорд швейцариялик фермер Бени Майер томонидан 2014 йилда ўрнатилган эди. У етиштирган қовоқнинг оғирлиги 1 минг 54 килограмм тош босган.

Ҳар йили қовоқ етиштириш мусобақасида 20 дан ортиқ давлатдан юзлаб фермерлар иштирок этади.

Китоб ташувчи "поезд"

Нью-Йорк жамоат кутубхонасида китоб ташувчи "поезд" фаолияти йўлга қўйилди, дейилади "techcult.ru" сайтида.

Махсус рельсларда ҳаракатланувчи вагончалар кутубхонанинг турли бурчагидан буюртма қилинган китобни бир неча дақиқа ичида келтириб беради. 24 вагонча рельс бўйлаб ҳаракатланади ва ҳар бири 15 килограмм юкни кўтара олади. Автоматлаштирилган қизил рангли аравачалар бир дақиқа ичида 23 метр тезликда ҳаракатланади ва рельслар ўрнатилган барча йўналишни 5 дақиқада тўлиқ босиб ўтади.

Йўналишнинг умумий узунлиги — 290 метр. Мазкур лойиҳа Нью-Йорк жамоат кутубхонаси учун 2,6 миллион долларга тушди.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ГАФФОРОВ тайёрлади

MILLIY TIKLANISH
43(415) 2016 йил 12 октябрь, чоршанба

Туризм

Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг ёрқин намойиши

5-7 октябрь кунлари йигирма иккинчи бор "Ипак йўлида туризм" Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўтказилди. Унда Россия, Франция, Япония, Чили, Португалия, Таиланд, Ҳиндистон, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркманистон, Литва каби давлатлардан юздан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Бир йилда 2 миллиондан кўп сайёҳ

Туризм қадимдан халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келади. Янги ўлкаларнинг кашф этилиши туфайли илм-фан, савдо-сотиқ ривожланган, маданий ва дипломатик алоқалар ўрнатилган. Савдо карвонлари йўллари кесишган, турли маданият ва цивилизациялар туташган чорраҳада жойлашган Ватанимиз, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарларимиз қадим-қадимдан Буюк ипак йўли ва Марказий Осиё минтақаси тараққиётида муҳим ўрин тутган.

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий жойларга бойлиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимиз ҳудудида тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар рўйхатга олинган. Уларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Бой тарих ва замонавий ҳаёт уйғунлашган қадимий шаҳарларимиз, ноёб маданий-маънавий меросимиз, халқимизнинг миллий ўзлигини намоён этувчи урф-одат, анъана ва қадриятларимиз ҳамиша дунё ҳамжамиятини мафтун этиб келмоқда.

Юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат ва бағрикенглик фазилатлари туфайли мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқими йилдан-йилга кўпаймоқда. Хусусан, 2015 йилда мамлакатимизга 2 миллиондан кўп сайёҳ ташриф буюрган. Йилдан-йилга соҳанинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, альпинизм сингари турлари тобора оммалашиб бормоқда. Ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат турлари, сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун яратилган қулайликлар, сўлим ва бетакрор табиатимиз — бундай омиллар бугунги кунда замонавий кўринишда шаклланиб, туризмнинг муҳим таркибий қисмига айланиб улгурди.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг мамлакатимизда мутлақо янги соҳа — туризм индустриясига асос солинди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида 1992 йил 27 июлда "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 2 июнда "Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. 1999 йил 20 августдан Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонуни кучга кирди. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасини тараққий эттириш, миллий сайёҳлик хизматларини халқаро бозорларга таклиф этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

1 минг 282 сайёҳлик ташкилоти

"Ўзбектуризм" миллий компанияси ва "Буюк ипак йўли" реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) кўмагида ташкил этилган "Ипак йўлида туризм" XXII Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхона ва ресторанлар, санаторий ва дам олиш масканлари мутахассислари ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш доимий диққат-эътиборда. Масалан, ўтган давр мобайнида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари парки замонавий "Эйрбас" ва "Боинг" авиалайнерлари билан бойиди. Маҳаллий аэропортлар модернизация қилиниб, парвозлар географияси кенгайди. Пойтахтимиздан Самарқанд, Бухоро ва Қаршига қатновчи юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоездининг йўлга қўйилиши сайёҳлар учун катта қулайлик яратди. Шунингдек, Қамчиқ туннели орқали Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўлининг фойдаланишга топширилиши натижасида Тошкентдан Фарғона водийсига замонавий поездлар қатнови йўлга қўйилди. Янги сайёҳлик йўналишларини очиш имконияти яратилди.

Хорижлик сайёҳлар ва халқимизни жалб қиладиган бундай қулайликлар, хизмат кўрсатиш тизими ҳам йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 1 минг 282 сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 661 меҳмонхона, сайёҳлик базаси ва кемпинг, 600 дан ортиқ сайёҳлик компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро ярмарканинг дастлабки иш

кунида Андижон, Қашқадарё вилоятларининг сайёҳлик салоҳиятига оид маълумотлар тақдимоти, "Экологик туризм — атроф-муҳитни муҳофазалаш ва барқарор ривожланиш омили: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Иштирокчилар соҳадаги ютуқлар, янгиликлар билан яқиндан танишди. Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, хушманзара табиатимиз ва ноёб меъморий обидаларимиз акс этган экспонатлар кенг намойиш қилинди.

— Ярмаркада таълим туризмига оид алоҳида бўлим ташкил этилди, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси ахборот хизмати раҳбари Темур Мирзаев. — Мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш жараёнида кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, қатор касб-ҳунар коллежларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилган. Ушбу бўлимда мазкур таълим муассасалари ва "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг ўқув маркази имкониятлари тақдим этилди.

— "Ипак йўлида туризм" ярмаркасида илк бор иштирок этдик, — дейди "Fast Treck Networkc Pvt. Ltd." компанияси вакили Сиддхарт Шах (Ҳиндистон). — Ўзбекистонда саёҳатларни мазмунли ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш учун барча имконият мавжуд экан. Қадимий тарихий обидалар, табаррук қадамжолар, халқингизнинг ўзлигини намоён этувчи маданий мерос намуналари, юртингиздаги тинчлик-тотувлик муҳити бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб этмоқда. Ҳиндистонда ҳам юртингизга саёҳат қилишга иштиёқмандлар кўп. Мамлакатингизда туризмни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор хорижликлар учун ҳам катта имконият яратмоқда. Биз юртингиздаги сайёҳлик компаниялари ва фирмалари билан ҳамкорлик истиқболлари бўйича шартномалар тузишга эришдик.

Қизиқарли тақдимотлар ва фойдали келишувлар

1995 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасининг кўлами йилдан-йилга кенгайиб, жаҳон жамоатчилигини юртимизнинг туризм соҳасидаги улкан салоҳияти билан яқиндан таништириш, хориждаги етакчи сайёҳлик компания ва фирмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир. Унда туроператорлар, турагентлар, йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий отеллар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, глобал буюртма тизимлари, турбизнес ва бошқа сайёҳлик хизматларининг дастурий таъминотчилари, музейлар ҳамда маданий ҳордиқ чиқариш ва дам олиш саноати корхоналарининг хизматлари, соҳага оид замонавий технологиялар намойиш этилди.

Ярмарка доирасида иккинчи маротаба ташкил этилган "Hosted Buyers" (Профессионал харидорлар) дастури ҳам истиқболли шериклар ва харидорлар ўртасидаги учрашувларни олдиндан белгилаш, уларга муайян имтиёзлар бериш орқали соҳада ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга хизмат қилади.

— Ярмарка жуда юқори савияда ташкил этилган, — деди Таиланд спорт ва туризм вазири Кобкарн Ваттаннаврангкул. — Юртингиздаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, ўзбекона меҳмондўстлик келаётган сайёҳлар оқимини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур ярмарка нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда туризм соҳасини ривожлантириш баробарида, халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

Тадбир доирасида юртимизда ички туризмни ривожлантириш масалалари, аҳолига бу йўналишда хизмат кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид халқаро илмий-амалий анжуманлар ҳам ташкил этилди.

Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда кенг имконият мавжуд. Шунингдек, тиббий, тоғ, агротуризм каби ўнлаб янги турларни ҳам такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистоннинг меъморий обидалари билан бир қаторда, ўзига хос табиий иқлим шароити, бепоён чўл-саҳролари, баланд тоғлари, ўндан ортиқ дарё ва қўриқхоналари бор.

— Сайёҳлик индустриясининг истиқболли йўналишларидан бири — экологик туризмни ривожлантиришга ҳам мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилаётир, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг Навоий вилояти бўйича вакили Фарҳод Эрназаров. — Айтайлик, Сармишсой мамлакатимиздаги энг кўп нодир қоятош расмларини сақлаб келаётган мўъжаз водийдир. Мутахассислар фикрича, бу ерда 10 мингга яқин петроглифлар мавжуд, расмларнинг асосий қисми сойнинг ўрта қисмида жойлашган 22,5 километр масофадаги қоятошларга ўйиб ишланган. Навоий вилояти ҳокимининг 2004 йил 23 сентябрдаги қарори билан экотуризмни ривожлантириш мақсадида Сармишсойнинг ноёб табиатини ҳамда тарихий археологик ёдгорликларини сақлаб қолиш мақсадида майдони 5 минг гектар келадиган "Сармиш" миллий боғи ташкил этилди. Қоятошдаги суратларни, ноёб ҳайвон ва ўсимликларни асраш бўйича вилоят музейи фаолият олиб бормоқда.

Халқаро сайёҳлик ярмаркаси қизиқарли тақдимотлар, фойдали мулоқотларга бой бўлди. Иштирокчилар соҳадаги ютуқлар, янгиликлар билан яқиндан танишди. Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар, мазкур соҳада кадрлар тайёрлаш бўйича яратилган тизим, экотуризмни ривожлантиришга оид дастурлар хусусида маълумот берилди. "Ўзбекистонда тиббиёт туризми" бўлимида мамлакатимиз тиббиётининг ўзига хос салоҳияти, тиббиёт илм-фани ютуқлари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, етакчи клиникаларда яратилган замонавий тиббий диагностика ва даволаш шароитлари кенг намойиш этилди. Ўзбек миллий либослари намойиши, миллий мусиқа ва рақсларимиз, қўли гул ҳунармандларимиз меҳнати маҳсули акс этган "Шарқ бозори" экспозицияси, фольклор гуруҳлари чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Миллий таомлар тайёрлаш усулларига оид тақдимотлар ўтказилиб, она заминимизда етиштирилган боғдорчилик маҳсулотларини татиб кўриш имконияти яратилди.

XXII Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши, компания ва меҳмонхона тақдимотлари, энг яхши стенд, энг яхши сервис, энг яхши дизайн, кўп йиллик ва сермаҳсул ҳамкорлик каби қатор йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланди ва тақдирланди.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири.
Сардор МУЛЛАЖОНОВ
олган суратлар.

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Шифобахш наъматак

Наъматак (ҳулул) меваси таркибида С витамини (аскорбин кислотаси) лимонга нисбатан кўпроқ. Шу боис у қон томирларини мустаҳкамлайди. Таркибидаги Р, В2, К, Е витаминлари эса авитаминоз ва гиповитаминоз касалликларини даволашда қўл келади.

Наъматак мевасининг антиоксидант хусусияти саратон хасталикларининг олдини олади. Фитонцид ва бактерицид хусусиятлари эса турли микробларни бартараф этади.

Иммунитети паст беморларга куз ва қиш фаслида наъматакли чой тавсия этилади. Ҳулул таркибида кальций ҳамда магний тузлари, меваси уруғида Е витамини мавжуд. Наъматакнинг қуритилган мевалари дамланмасидан ўпка сили, жигар, ўт қопи яллиғланиши, ичак ва буйрак касалликларини даволашда фойдаланилади. Унинг қайнатмаси иситмани туширади. Бундан ташқари, наъматак дамланмаси қулоқ оғриганда ёки шанғиллаганда томизилса яхши самара беради. Томоқ чайилса, оғриқ қолади.

Наъматак шарбати ички хасталиклар ҳамда меъдага фойдали. Шунингдек, қон айланиши ва сурункали касалликларнинг олдини олишда организмга самарали таъсир кўрсатади. Шарбат тайёрлаш учун яхшилаб тозаланган бир пиёла наъматак мевасига 2 литр сув қуйилиб, жуда баланд бўлмаган оловда, қопқоғи зич ёпиладиган идишда 15 дақиқа давомида қайнатилади. Таъбга кўра шакар қўшилади. Иссиқ кунларда салқин, совуқ кунларда иссиқ ҳолатда ичиш тавсия этилади.

Қуритилган наъматак меваси целлофан халтачада сақланмаслиги керак. Уни қоронғу ва ҳаво ўтказадиган жойга қўйиш мақсадга мувофиқ. Чунки қуёш нури таъсирида унинг таркибидаги С витамини парчаланиб кетиши мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

• Парвоздаги самолётларга эътибор билан қарасангиз, самода унинг ортида булутга ўхшаш оппоқ излар пайдо бўлади. Шу ўринда у нима ва қандай пайдо бўлади, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, юқори баландликда ҳаво жуда қуруқ ҳамда совуқ бўлиб, самолёт қувури парвоз давомида ўзидан ташқарига кўп миқдорда нам ва иссиқ ҳаво чиқаради. Қувурдан чиққан буғ ҳавода дарҳол совиб, намлик таъсирида муз кристалларига айланади. Биз осмонда кўрган "оқ булут" — кристалл музлар бўлиб, самолётдан чиқадиган қуруқ ва нам ҳавонинг ҳосиласидир.

ТУРФА ОЛАМ

3D-ПРИНТЕРДА ЧИҚАРИЛГАН ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ

Чехиялик дизайнер Петр Чладек кузов панеллари 3D-принтерида тайёрланган шаҳар электромобили прототипини ясади.

"4ekolka" деб номланган синов машинаси сиғими 9,6 киловатт-соат бўлган литий-темир-фосфат аккумуляторлар (LiFePO4) қувватланувчи электр двигатель билан таъминланган. Автомобилнинг максимал тезлиги — соатига 55 километр. Юриш захираси — 200 километр.

Дизайнер автомобилни Прага шаҳри кўчаларида синовдан ўтказиш ниятида. Унинг айтишича, бундай автомобилнинг нархи 300 минг чех крони (11 минг евро)га тенг бўлиши кутилмоқда. Синов машинаси сотишга ҳам чиқарилиши мумкин.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан қуйидаги тарқатма материалларини чоп этиш ва тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади:

- 3х6 ҳажмдаги баннер
- Қисқа метражли видеоролик
- Чўнтак календарь
- Футболка, кепка
- Буклет
- Флайер
- Постер
- Стол тақвими (варақлама – 2 варақ)
- Кўкрак нишони
- Хатчўп
- Нимча

Мурожаат учун телефонлар: 239-45-77, 239-11-09

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 7-умумтаълим мактаби томонидан 1998 йилда Асқарова Саида номига берилган №047629 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳридаги "VALET PARKING" МЧЖ тугатилади. Даъволар 1 ой муддатда қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: +99898 125-18-12.

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ўзбекистон санъат арбоби, шоир ва ёзувчи, партия фаоли
Олимжон Холдорнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1025, Адади — 5298. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РЎЗИЕВА
Навбатчи: Аҳмад ЮСУПОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.10.

ISSN 2010-7714
12345